БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ЁШ ЛЕНИНЧИ

Газета 1925 йил 8 февралдан чиқа бошлаган

1990 йил 25 март Якшанба
№ 58 (13.494). Баҳоси 3 тийин.

• ЎЗБЕКИСТОН ЛКСМ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ОРГАНИ •

Ўзбекистон ССР Олий Советининг қарори

ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ПРЕЗИДЕНТИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Совети қарор қилади:

Ўртоқ Ислом Абдуғаниевич **Каримов** Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг Президенти этиб сайлансин.



Президент қасамёди

И. А. Каримов қасамёд қилади: «Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Президенти лавозимида иш бошлар эканман, Ўзбекистон халқларига садоқат билан хизмат қилишга, гражданлар ҳуқуқ ва эркинликларига кафолат беришга, Ўзбекистон ССР Конституциясига қатъий риоя этишга, зиммамга юкланган юксак вазифаларни виждонан бажаришга тантанали қасамёд қиламан».

Ўзбекистон ССР Олий Советининг мажлиси тўғрисида

ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

24 март куни Тошкентда ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг биринчи сессияси иш бошлади.

Сессияни Марказий сайлов комиссиясининг раиси Т. Ҳ. Собитов очди.

Мандат комиссиясининг раиси депутат Ш. М. Мирзиёев комиссия докладини қилди.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Ўзбекистон ССР Конституциясининг 104-моддасига биноан мандат комиссиясининг доклади юзасидан Ўзбекистон ССРнинг 463 нафар халқ депутати ваколатларини эътироф этди.

Сессия ишининг қуйидаги кун тартиби тасдиқланади:

Ўзбекистон ССР Президенти лавозимини таъсис этиш ҳамда Ўзбекистон ССР Конституцияси (Асосий Қонуни)га ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги Ўзбекистон ССР қонун лойиҳаси ҳақида;

Ўзбекистон ССР Президентини сайлаш;

Ўзбекистон ССР Олий Совети мажлисларининг муваққат регламенти тўғрисида;

Ўзбекистон ССР Олий Советининг Раисини ва Ўзбекистон ССР Олий Совети Раисининг ўринбосарини сайлаш;

Ўзбекистон ССР Олий Совети доимий комиссияларини тузиш;

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети таркибини тасдиқлаш;

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисини тайинлаш;

Ҳукуматнинг келгусидаги фаолият программаси тўғрисида ҳамда СССР халқ депутатлари II Съездининг «Иқтисодиётни соғломлаштириш тадбирлари, иқтисодий ислоҳотнинг босқичлари ва ўн учинчи беш йиллик планини ишлаб чиқишга принципиал ёндашувлар тўғрисида»ги қарорининг қандай бажарилаётгани ҳақида Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг доклади;

«Умумий ҳарбий мажбурият тўғрисида»ги СССР Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш юзасидан Ўзбекистон ССР Олий Советининг таклифлари тўғрисида;

Ўзбекистон ССР Олий судини сайлаш;

Ўзбекистон ССРнинг иқтисодий мустақиллигини шакллантиришнинг асосий йўналишлари ҳақида.

Депутатлар бошқа бир қанча муҳим масалаларни ҳам муҳокама қиладилар.

Сессия Ўзбекистон ССР Президенти лавозимини таъсис этиш ҳамда Ўзбекистон ССР Конституцияси (Асосий Қонуни)га ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги Ўзбекистон ССР Қонуни лойиҳасини муҳокама қилишга ўтади.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси депутат М. И. Иброҳимов доклад қилди.

Муҳокамада Ўзбекистон ССР халқ депутатлари С. Д. Ниетуллаев, М. Эргашева, В. Г. Грабилин, Б. Сериков, О. Маҳмудов, Ҳ. Ҳ. Нишонов, П. Қ. Қодиров, Г. Х. Сидаков ва бошқалар иштирок этдилар.

Сессия «Ўзбекистон ССР Президенти лавозимини таъсис этиш ҳамда Ўзбекистон ССР Конституцияси (Асосий Қонуни)га ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон ССР Қонунини қабул қилди.

Шундан кейин Ўзбекистон ССР Президенти сайланди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби Ислом Абдуғаниевич Каримов яширин овоз бериш йўли билан Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг биринчи Президенти этиб сайланди.

Ўзбекистон ССР Президенти И. А. Каримов қасамёд қилди.

Сўнгра Ўзбекистон ССР Президенти нутқ сўзлади.

26 март куни Ўзбекистон ССР Олий Советининг сессияси ўз ишини давом эттиради.





Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг биринчи сессияси жумҳуриятимиз тарихида алоҳида ўрин тутадиган бўлди. Биринчи марта муқобил номзодлик асосида сайланган делегатларимиз Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг биринчи Президентини сайладилар.

Халқимизнинг мухтор вакиллари ташлаган дастлабки қадамлари қутлуғ келиб, хайрли ишларнинг бошланиши бўлади, Ўзбекистон меҳнаткашларининг бахт-саодати йўлида хизмат қилади, деб умид қиламиз.

Сураткаш Е. БОТИРОВ.

Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг биринчи сессиясида Ўзбекистон ССР Президенти И. А. КАРИМОВ нутқи

Ҳурматли депутат ўртоқлар!

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси гражданлари!

Қадрли юртдошлар!

Ҳозиргина республика Олий Совети сессиясининг қарори билан Ўзбекистон тарихида — биринчи марта Ўзбекистон ССР Президенти лавозими таъсис этилди ва бу юксак масъулиятли вазифа менга топширилди.

Бу катта ишонч учун ўзимнинг самимий миннатдорчилигимни билдираман. Мен буни энг аввало ўзбек халқи, Ўзбекистон ССРнинг барча меҳнаткашлари, ишчилар синфи, деҳқонлар, зиёлилар, жумҳуриятимизда яшовчи ҳамма миллат ва халқлар тақдири учун ўз зиммамга тушган улкан бурч ва жавобгарлик деб қабул қиламан. Ҳар бир граждаппинг конституцион ҳуқуқи ва эркинликларини, совет халқлари ягона оиласидаги республикамизнинг миллий ва ижтимоий жиҳатдан тобора тараққиётини таъминлаш йўлидаги катта масъулият деб тушунаман.

Хабарингиз бор, бир неча кун олдин СССР халқ депутатларининг навбатдан ташқари учинчи Съездида СССР Президенти лавозимини таъсис этиш тўғрисидаги қонун қабул қилинди. Бу лавозимга Михаил Сергеевич Горбачев сайланди.

Бу воқеа мамлакатимизнинг ҳамма жойида чуқур мамнуният билан кутиб олинди.

Совет кишилари ўз ҳаётларининг амалдаги равнақи, тартиб ва интизомнинг мустаҳкамланиши, янгиланаётган СССР федерациясида совет халқлари дўстлиги ва ҳамкорлигининг янада ривожланиши ҳақидаги ўз орзу-умидларини худди шу воқеа билан боғламоқдалар.

Президент бошқарувини ҳаётнинг ўзи, қайта қуришнинг мантиқи, моҳияти, унинг мураккаб ва зиддиятли жараёнлари тақозо этаяпти.

Жумҳуриятимиз бутун мамлакат сингари бугун оғир, бурилиш даврини бошидан кечираяпти.

Узоқ йиллар давомида йиғилиб қолган миллий-сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маънавий ривожланиш муаммолари ниҳоятда мураккаб ва кескин тус олди. Республиканинг келажаги, халқ тақдири, ҳар бир одамнинг, унинг оиласи турмушининг, Ўзбекистон гражданлари келажак авлодлари ҳаётининг тўкислиги, тинчлик-осойишталиги бу муаммоларнинг изчиллик билан ҳал этилишига боғлиқдир. Республикамиз олдида турган мана шу ва бошқа бир қатор долзарб масалаларни тубдан ҳал этишда Президент лавозимининг таъсис этилиши янги имкониятлар очади.

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг Президенти сифатида ўзимнинг асосий вазифаларим нималардан иборат деб биламан?

1. Ўзбекистон ССРнинг сиёсий мустақиллигини мустаҳкамлаш ва янада такомиллаштириш, уни янги ва ҳаётий мазмун билан бойитиш.

Халқ миллий онгининг ўсиши, мамлакатимизнинг миллий-давлат, ижтимоий-иқтисодий ва маънавий ривожланишининг ҳозирги замон даражаси ва истиқболи Совет Федерациясининг янгиланишини, республика билан ССР Иттифоқи ўртасидаги алоқа ҳамда ваколатларнинг янада аниқроқ белгиланишини талаб қилаяпти.

Бугунги кунда СССР таркибидаги бошқа иттифоқдош республикалар қатори Ўзбекистон ССР ҳам мустақил социалистик давлат сифатида ўз территориясида тўла-тўкис давлат ҳокимиятига эга бўлмоғи кераклиги очиқ-ойдин бўлиб турибди.

СССР давлат ҳокимиятининг олий органлари ихтиёрига ўз хоҳиши ва тегишли ўзаро келишув бўйича берилган ваколатлар, албатта, бундан истиснодир.

Президент сифатида республикамиз ўзига тегишли масалаларнинг барчасини мустақил ҳал қилиши керак деб ўйлайман.

Булар — меҳнат ресурсларидан, табиий ва минерал-хом ашё бойликларидан мустақил ва оқилона фойдаланиш, ўз территориясида иқтисодий ва ижтимоий-маданий тараққиётни комплекс равишда ривожлантириш, СССР Иттифоқи қарамоғидаги корхона, муассаса ва ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш, меҳнат хавфсизлигини, атроф-муҳит муҳофазасини, аҳолининг эҳтиёжларини таъминлаш масалаларидир.

Шу билан бир қаторда республикамиз ва унинг барча гражданлари томонидан Иттифоқ шартномасидан келиб чиқадиган мажбуриятлар қатъий, сўзсиз бажарилиши лозим. СССРнинг мустақиллигини, территориал яхлитлигини, СССР давлат чегаралари муҳофазасини, мудофаа ва қуролли кучларни уюштиришни, давлат хавфсизлигини таъминлаш — биринчи навбатдаги вазифалардир.

СССРнинг халқаро шартномаларида белгиланган ва мамлакатнинг ягона халқ хўжалиги комплекси миқёсида барча республикалар ҳамкорликда ечиши лозим бўлган иқтисодий ва ижтимоий вазифалар ҳам шу жумладандир.

Ўзбекистон ССР мустақил ва тенг ҳуқуқли республика сифатида бошқа республикалар билан сиёсий, иқтисодий, илмий ва маданий алоқаларини ўзаро эркин ҳал қилади. Бу алоқаларни дўстлик ва ҳамкорлик, ўзаро ҳурмат ва тотув қўшничилик муносабатлари асосида янада мустаҳкамлаб бораверади.

Ўрта Осиё ва Қозоғистон халқлари ўртасидаги асрий биродарлик, дўстона муносабатларни алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман.

Тарихимизнинг, тақдиримизнинг бирлиги, тилимиз, маданий-маънавий анъаналаримиз ўхшашлиги, яқин қўшничилик ва қариндошлик алоқалари республикаларимиз ҳамкорлигини янада кенгайтириш имкониятини беради.

Миллий-давлат қурилиши соҳасида миллатлараро алоқаларни яхшилаш, гражданларнинг, қайси миллат вакиллигидан, тили ва диний эътиқодидан қатъи назар, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш биринчи даражали аҳамият касб этади.

Ўзбек тилининг давлат тили эканлиги ҳақидаги Қонунни изчил амалга ошириш билан бирга, Ўзбекистонда яшовчи барча миллат вакилларига ўз тилларида бемалол гаплашиш, уларнинг миллий-маданий эҳтиёжларини қондириш ва бутун аҳолига миллатлараро мулоқот тили бўлган рус тилидан эркин фойдаланиш имкониятларини ҳам таъминлаш зарур.

Бу масалалар Қорақалпоғистон автоном республикасига ҳам тўлиқ тааллуқлидир. Регионимизда ягона бўлган автоном республиканинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал этиш, унинг миллий-давлат ва ҳуқуқий мақомини барқарор қилиш шунга боғлиқдир.

Энг муҳими — республикада яшовчи барча миллат ва халқлар вакиллари ўртасида ўзаро ҳурмат ва дўстона муносабатларни сақлаб қолиш ва кучайтиришдир.

Бу — республикада тинчлик ва осойишталикни, одамларнинг тақдири, бутун мамлакатимизнинг бугуни ва келажаги барқарорлигини таъминлашда ҳал қилувчи вазифадир.

Ўтган йили Фарғона вилоятида, яқинда Тошкент вилоятининг айрим районларида бўлиб ўтган фожиали воқеалар миллатлараро муносабатларнинг бузилиши, кескинлашуви нималарга олиб келишини рўй-рост кўрсатди.

Бу ҳолни фақат вабодай юқумли касаллик билан қиёслаш мумкин. Бегуноҳ одамлар қурбон бўлмаслиги, ҳаммаёққа ўт кетмаслиги учун бунинг олдини олиш зарур.

Шунинг учун СССР ва Ўзбекистон ССР Конституцияларига, ўзбек халқининг олижаноб инсоний фазилатларига таяниб, ҳар бир одамнинг қадр-қимматини, ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилувчи миллий адоват ва зўравонликни ман этадиган қонунларга қатъий риоя қилишни ўзимнинг муқаддас бурчим деб биламан.

Бу қонунларга риоя қилмаслик ҳар бир киши учун — инсоният олдида, энг аввало ўз халқи олдида оғир жиноят деб ҳисоблайман.

Бу — одамларнинг инсоний ҳақ-ҳуқуқларига тажовуз, мамлакат ва дунё жамоатчилиги кўз ўнгида халқимизнинг обрўсини тўкиш демакдир.

Бунга йўл қўйишга азиз ўртоқлар, сиз билан бизнинг мутлақо ҳаққимиз йўқ.

Ўзбек халқи асрлар давомида барча халқлар билан иноқ яшаган, дўстона ҳамкорликда бўлган. Меҳнатсеварлиги, меҳмондўстлиги, меҳр-оқибати, холис ёрдам учун доим тайёрлиги билан бошқа қардош халқларнинг ҳурмат-эътиборини қозонган, таҳсинига сазовор бўлган, инсонпарварлиги. Унинг мана шундай олижаноб шаънига ҳеч кимнинг доғ туширишига йўл қўймаслигимиз керак.

2. Президент бошқарувининг муҳим вазифаларидан бири республиканинг иқтисодий мустақиллигини, ўзини ўзи идора қилишга ва ўзини ўзи пул билан таъминлашга ўтишини таъминлашдир.

Мазкур сессияда халқ депутатлари Ўзбекистон ССР иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг асосий йўналишлари белгиланган ҳукумат программасини муҳокама қилиб тасдиқлашлари керак.

Жумҳуриятимизнинг сўзда эмас, амалда иқтисодий мустақиллигини белгиловчи айрим энг аҳамиятли масалаларга тўхтаб ўтмоқчиман. Улар партия ва Совет ҳокимиятининг асосий мақсади бўлган халқ фаровонлигини ошириш йўлидаги мураккаб, чигал муаммоларнинг ҳал қилиниши билан боғлиқдир.

Улардан биринчиси халқ хўжалиги комплексини тубдан қайта қуришдир. Хом ашё етиштиришдан халқ учун зарур бўлган тайёр товарлар ишлаб чиқаришга ўтиш. Бу билан республикада яратилаётган ялпи маҳсулот ва миллий даромадни илдам суръатларда ўстиришни таъминлаш.

Ўзбекистон табиий ва хом ашё ресурсларга бой. Буларнинг ҳаммаси — ер, сув ўрмон ва ерости бойликлари — республиканинг ажралмас мулки бўлиши керак. Лекин ана шу табиий бойликлардан ўйламай-нетмай фойдаланиб, тез ўсиб бораётган аҳолининг эҳтиёжларини қондириш мумкин деган ўртоқлар хато қилади.

Ҳар қандай табиий бойликнинг чегараси бор. У бир кун эмас бир кун тамом бўлади. Уни қайта тиклаб бўлмайди.

(Давоми 2-бетда).

Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг биринчи сессиясида Ўзбекистон ССР Президенти И. А. КАРИМОВ нутқи

[Бош 1-бетда].

У бизга ота-боболаримиздан қолган меросгина эмас, балки биз авайлаб-асраб, янада оширибь, келажак авлодларга етказиб беришимиз керак бўлган омонат ҳамдир.

Дунё тажрибаси шуни кўрсатиб турибди-ки, бирорта мамлакат ё халқ ўз фаровонлигини фақат хом ашё сотиб таъминлай олмайди. Газ ёки металл, пахта ёки пилла сотиб маълум вақтгача бойлик орттириш мумкин. Лекин бунақа иқтисодиётнинг истиқболи йўқ.

Ҳақиқий ободончиликка, фаровонликка, фақат табиат инъомларидан оқилона фойдаланиб, уларнинг қийматини янада оширадиган юқори унумли, малакали меҳнат билан эришиш мумкин.

Шунинг учун биз танлаган бош йўл — республиканинг барча табиий бойликларини — пахта, металлар, пилла, газ, мева-сабзавот ва бошқа маҳсулотларни қайта ишлашни кўпайтиришдир.

Бу вазифани фан-техника ютуқларига асосланган сермеҳнат ишлаб чиқаришни, малакали мутахассисларнинг, меҳнаткашларнинг барча табақа вакилларининг савиясининг ўсишини таъминламасдан бажариб бўлмайди.

Шу билан бир қаторда экономикамиз бошқарув ва хўжалик юритишнинг, мулкчилик ва товар-бозор муносабатларининг турли хил янги усулларига ўтиш муҳим аҳамиятга молик.

Халқ хўжалиги структурасини тубдан ўзгартириш билан катта сиёсий, ижтимоий, иқтисодий муаммо аҳолини мунтазам равишда иш-жойлар ва айниқса иш жойи билан таъминлаш масаласи боғлиқдир.

Бу вазифа шу қадар кескин турибдики, биз уни ҳал қилиш учун бир йил эмас, бир неча йиллардан, бир-икки имконият эмас, бор имкониятларнинг барчасидан фойдаланишимиз зарур.

Халқ ҳаётининг ўзига хос тарихий миллий хусусиятларидан келиб чиқиб анъанавий ишлаб чиқаришни, халқ амалий санъати ва ҳунармандчилик корхоналарини кўпайтириш лозим.

Район марказларида, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналарининг, филиал ва цехларни қуриш, уларда меҳнатнинг турлича ташкил қилиш — касаначиликни иш куни ва ҳафтаси, уйда ишлаш каби усуллардан кенг фойдаланиш керак. Ва нисбатан илмий-техник тараққиётнинг бугунги даражасига жавоб берадиган ишлаб чиқаришни ривожлантириш. Бусиз аҳолининг иш билан бандлигини ҳам, умуман олганда эса миллий ва ижтимоий тараққиётни ҳам таъминлаб бўлмайди.

Айтиб ўтилган ва бўлак ишларни мамлакатнинг бошқа республикалари ва иқтисодий районлари, чет эллар билан ўзаро фойдали ишлар ва ҳамкорликсиз ва ғоявий алоқаларсиз ҳал этиш қийин.

Иқтисодий мустақиллик — ўз ёғида қоврилиш, ўз қобиғида қолиб кетиш эмас. Бу — умуминсоният тажрибасига зид ҳодиса.

Иқтисодий мустақиллик — республиканинг табиий, иқтисодий, демографик (аҳолининг кўплиги) каби ва бошқа имкониятларидан халқ ҳаётининг равнақи учун тенг ҳуқуқлилик асосида ўзаро фойдали ҳамкорликни ривожлантириш учун иложи борича кенгроқ фойдаланишдир.

3. Меҳнаткашларнинг, аҳолининг ҳамма табақалари фаровонлигини ошириш, одамларнинг талаб-эҳтиёжларини қондириш, ижтимоий соҳани тез суръатлар билан ривожлантириш — республиканинг давлат ҳокимияти ва бошқарув органларидан, шахсан мендан, Ўзбекистон ССР Президентидан доимий эътибор талаб қиладиган вазифадир.

Республикамиз жон бошига даромад, озиқ-овқат ва ҳар кунлик эҳтиёж моллари истеъмол қилиш, уй-жой, халқ маорифи, соғлиқни сақлаш, савдо, социал-маиший ва маданият тармоқлари бўйича иттифоқимизда охирги ўринларда турибди.

Қулай иқлим шароитларига ва ноёб табиий бойликларга эга, СССРда энг йирик республикалардан бири шу даражада бўлишига чек қўйиш лозим.

Орол муаммоси, Қорақалпоғистон АССР, умуман Ўзбекистон, бутун Ўрта Осиё регионни фожиасига айланди. Табиат муҳофазасини ва санитария аҳволини яхшилаш борасида кескин чоралар кўришимиз керак.

Биринчи навбатда инсон, унинг эҳтиёж ва талаблари, жисмоний ва маънавий юксалиши республикада бўлажак миллий-давлат ва ижтимоий-иқтисодий сиёсатнинг марказида бўлиши шарт.

Хабарингиз бор, бу борада биринчи жиддий қадамлар қўйилди. Қишлоқ аҳолисига шахсий хўжаликларни кенгайтириш ва уй-жой қуриш учун қўшимча ер ва маблағ ажратилмоқда, қурилиш материаллари билан ёрдам берилмоқда. Ўтган йилдан бошлаб пахта терими учун қўшимча ҳақ тўланаяпти ва бундан буён бу маблағлар икки баравардан кўпроқ ошади.

Пахта ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари нархини ошириш тўғрисидаги масала мамлакатимиз ҳукумати олдига қўйилди ва охиргача ҳал этилади. Республикамиз пойтахти Тошкент, бир қатор вилоят марказлари ва шаҳарларнинг хўжалигини яхшилаш ва қайта қуриш, қишлоқларнинг социал аҳволини такомиллаштириш бўйича қабул қилинган ва белгиланган тадбирлар амалга оширилаяпти.

Бошланғич синфлардаги ўқувчиларга бепул овқат, ҳомиладор бемор аёлларни қўшимча, юқори сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш жорий этилди.

Ветеранларнинг нафақасини ошириш, ногирон ва ёлғиз қолган қариялар уй-интернатларининг шароитларини яхшилаш учун қўшимча маблағ сарф этилаяпти. Ётоқхоналарда жой танқислигидан шахсий уй-жойга ижарага яшаётган талабаларга моддий ёрдам берилмоқда.

Ҳали инсонларнинг ҳаётини яхшилаш борасидаги катта режалар, умидбахш тадбирлар кўп. Улар Ўзбекистон Компартиясининг сайловолди ҳаракат дастурида баён этилган.

Ўзбекистон ССР Президенти сифатида республикамизда одамлар ҳаётининг тўкислиги учун барча шароитларни яратиш бўйича қабул қилинаётган ижтимоий программаларни бекаму-кўст амалга оширишни ўзимнинг энг асосий вазифам деб биламан.

Бунинг учун аҳолининг барча табақаларига озиқ-овқат маҳсулотлари ва товар истеъмолини яхшилаш, қишлоқ аҳолисининг даромадини кўтариш лозим. Шунингдек ёшларимиз ва кексаларимиз, аёлларимиз тўғрисида ғамхўрлик қилишимиз керак.

Барча аҳоли пунктларини сифатли ичимлик суви ва газ билан таъминлаш, атроф муҳитни соғломлаштириш ва экологик вазиятни яхшилашимиз зарур. Менинг фикримча, республикада халқ депутатлари Олий ва маҳаллий Советларнинг, ҳамда совет, давлат, хўжалик идораларининг, жамоат ташкилотларининг, меҳнат коллективларининг фаолияти энг аввало ана шу мақсадларга қаратилиши ниҳоятда муҳимдир.

Турмуш шароитлари ночор бўлиб турган бир пайтда инсофсизлик, давлат ва халқ мулкига хиёнат, чайқовчилик, мансабпарастлик ва бошқа иллатларга қарши шафқатсиз кураш — бугунги куннинг долзарб талабидир.

Одамларнинг ҳаётига, пешона тери билан топган мол-мулкига чангал солаётган инсофсиз кимсаларга қарши мен Президент сифатида халқнинг иродасига таяниб аёвсиз чоралар кўраман.

Қонунчилик барқарор бўлиши учун менга берилган ҳокимиятнинг барча имкониятларини ишга соламан.

4. Президент фаолиятининг, республика партия, совет, давлат ташкилотларининг муҳим вазифаларидан бири халқни маънавий юксалтириш, инсоннинг ахлоқий ва жисмоний такомилидир.

Бу масалалар алоҳида қунт ва саботни, кишиларга нисбатан алоҳида эътибор ва ғамхўрликни талаб қилади.

Инсон ҳаётининг бу нозик ва мураккаб томонлари билан, хазиналарга тўла миллий-тарихий анъаналар билан умуминсоний маънавий бойликлар билан ҳисоблашмаслик жамиятимизга қанчадан-қанча зарар келтирди. Бинобарин, бу камчиликларни тузатиш учун жуда катта меҳнат қилишимиз керак. Асосий ишларимиз [illegible] иборат бўлиши керак!

Биринчи навбатда миллий маданиятимиз, халқ маънавий бойлигининг илдизларига эътибор бериш лозим. Бу хазиналар асрлар давомида мисқоллаб тўпланган. Тарихнинг не-не синовларидан ўтган. Инсонларга оғир дамда мадад бўлган.

Бизнинг вазифамиз — шу хазинани кўз қорачиғимиздек асраш ва янада бойитиш.

Сўзда эмас, амалда ҳар бир кишининг виждон эркинлигини, эътиқодининг эркинлигини таъминлашимиз керак. Мен Президент сифатида одамларнинг маънавий тарбиясини, тинчлик ва хайрли ишлар мақсадида ҳаракат қилаётган ҳар бир кишини қўллаб-қувватлайман, у билан ҳамкорлик қиламан.

Масаланинг бошқа томони — маърифат ва маданиятнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш. Инсоннинг тўла қонли ҳаёти учун ниҳоятда зарур бўлган мактаблар, кутубхоналар, театр ва бошқа маданият ўчоқларини кўпайтириш, уларнинг шароитларини яхшилаш.

Биз кўп йиллар давомида маънавий-маданиятга нотўғри муносабатда бўлдик. Унга сарфланаётган маблағлар доим бошқа соҳалардан кам бўлди. Натижада биз бу масалада кечириб бўлмас даражада орқада қолиб кетдик.

Барча планларимизда, маданият, маърифат, жисмоний тарбия ва спорт биринчи даражали вазифалар қаторидан ўрин олиши лозим.

Ва ниҳоят, шу соҳаларда ишлаётган кадрлар масаласи. Ўқитувчилар ва шифокорлар, маданий-оқартув муассасаларидаги ва бошқа соҳалардаги кўплаб мутахассислар — чинакам зиёлиларимиздир.

Айниқса олимлар ва ижодкор ходимларимизга эътиборни кучайтириш керак. Маънавий бойликларни улар яратади. Уларга ғамхўрлик қилиш, самарали фаолият учун барча зарур моддий-маънавий шароитларни яратиб бериш давлат ҳокимияти ва хўжалик ташкилотлари раҳбарларининг бурчи ва масъулиятли вазифасидир.

Ўртоқлар, яна бир долзарб вазифа ўсиб келаётган авлодга, унинг маънавий тарбиясига ниҳоятда катта жавобгарлик ҳисси билан ёндашиш масаласи. Ахир ёшлик халқ маънавиятининг ҳам, масъулиятининг ҳам келажаги.

Шунинг учун ҳар бир ўғил-қизимиз дастлабки қадамларидан бошлаб маданий бойликлардан баҳраманд бўлиши керак.

Истеъдодли ёшларимизнинг, йигит-қизларимизнинг ўз қизиқишлари соҳаларида етук инсонлар бўлиб етишишлари учун тегишли шарт-шароитлар ҳали тўла яратилгани йўқ.

Ўзимизнинг маънавий бурчимиз ва оқлашни истасак уларга оталарча ғамхўрлик қилишимиз керак. Ана шу мақсадда биз уларнинг имкониятларига кенг йўл очишимиз, иқтидорли ёшларни жаҳоннинг нуфузли илмий марказларида таълим олишлари учун маблағ ажратишимиз лозим.

Бу ишлар учун ҳеч нарсани, шу жумладан валютани ҳам аямаймиз. Ишончим комил, бу тадбирларни сиз депутатлар ҳам, халқимиз ҳам қўллаб-қувватлайсизлар.

Шу ўринда яна бир мулоҳазам бор, ўртоқлар. Ёшларимизни, айниқса қизларимизни уларнинг иззат-нафсига тегадиган айрим номаъқул ҳолатлардан асрашимиз керак.

Сўнгги пайтларда ошкораликни пеш қилиб телевизор, кино экранларида, матбуот воситаларида бўлмағур лавҳаларни акс эттириш, бемаънилик ва ҳаёсизликни, баъзан эса, ҳатто ахлоқий бузуқликни тарғиб қилишлар кўпайиб қолди.

Депутатларнинг ва Президентнинг ваколатлари жамиятимизнинг инсонийлик ва ахлоқий ақидаларини поймол қилувчи ана шу тажовузкорликка қаттиқ қарши туришга имконият беради, деб ўйлайман. Бу тадбир халққа ҳам маъқул бўлади, деб ишонаман.

5. Юқорида қайд этилган вазифаларни фақат демократияни, ҳақиқий халқ ҳокимияти бўлган Советларни, ҳуқуққа асосланган давлат қурилишини ривожлантириб, тартиб ва интизомни мустаҳкамлаб, партияда қайта қуришни чуқурлаштириб ва ниҳоят республиканинг миллий-ижтимоий тараққиёти йўлида барча соғлом кучларни бирлаштирибгина ҳал қилиш мумкин.

Бунинг учун партия ташаббуси билан бошланиб кенг халқ оммаси қизғин қувватлаган инқилобий қайта қуриш жараёни катта имкониятлар очиб бераяпти. Бундай имконият ҳеч қачон бўлмаган, ўртоқлар.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг Комиссиялари ва бутун депутатлар корпуси ҳамкорлигига таяниб мамлакатимизда, республикамизда ҳуқуқий давлат шаклланиши, қонун ҳурмат қилиниши ва унга риоя этилиши учун қатъият билан иш олиб борамиз. Шахсга сиғиниш йилларида ҳам, яқин орада ҳам йўл қўйилган қонунбузарликлардан, зўравонликлардан кўп азият чеккан республикамиз, халқимиз учун бу жуда ҳам муҳимдир.

Республикамиз ҳар бир фуқаросининг ҳуқуқи ва қадр-қимматини ҳар қандай тажовуздан, у қаерда ва ким томонидан қилинишидан қатъи назар, қаттиқ туриб ҳимоя қилишга сўз бераман.

Демократияни янада ривожлантиришни Президент бошқарувининг асосий вазифаларидан бири деб биламан.

Бу соҳада КПСС Марказий Комитетининг февраль ва март Пленумлари, КПССнинг XXVIII съезди олдидан умумхалқ муҳокамасига қўйилган Ҳаракат дастури ва янги Устави, КПСС Марказий Комитетининг таклифига мувофиқ СССР халқ депутатларининг навбатдан ташқари учинчи Съездида СССР Конституциясининг 6—7-моддаларининг муҳокама қилингани, Ўзбекистон ССР Конституциясига айнан шу ўзгартиришлар киритилиши бу ишга кенг имконият яратади.

Шу билан бир қаторда демократия — бебошлик, ошкоралик эса — оғизга келганини гапириш эмаслигини ҳам очиқ айтиб қўймоқчиман.

Жиноятчиликнинг кўпайиб бораётгани, жамиятга қарши кучларнинг вазиятни кескинлаштиришга, миллий адоватни кучайтириб, оммавий тартибсизликларни келтириб чиқараётганлиги халқимизни қанчалик ташвишга солаётганини ҳаммангиз яхши биласиз.

Бунинг оқибатида қандай фожиалар юз бераётгани, халқ қанчадан-қанча моддий ва маънавий зарар кўраётганидан ҳам хабардорсиз. Шунинг учун халқимизнинг, ҳар бир оиланинг тинчлиги ва хотиржамлиги ва, шунингдек давлат тузуми, давлатимизнинг, жамиятимизнинг сиёсий-маънавий асосларига қарши бўлган ҳар қандай уринишларга чек қўйиб, гражданларнинг ор-номуси ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш, тартиб ва интизомни мустаҳкамлаш учун сизлар билан биргаликда қатъий ҳаракат қиламан.

Бугунги мураккаб ҳал этувчи бир вақтда барча соғлом кучларимиз ҳар қачонгидан ҳам жипсроқ, ҳамжиҳат, бирдам, бир жон бўлиши зарур.

Уларни бирлаштирувчи куч — Ўзбекистон Компартияси, унинг Марказий Комитети, жойлардаги партия ташкилотларидир. Чунки ўтмишдаги хатоларга қарамасдан, партия, шу кунги кенг кўламли ҳамда ҳаётий ўзгаришлар, жамиятнинг барча табақаларини инқилобий ўзгаришлар сари бошқарувчи бош куч бўлиб қолмоқда.

Компартия республикамизда катта нуфузга эгадир. Унинг вакиллари республикамизнинг Олий ва маҳаллий Советларида кўпчиликни ташкил этади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг бир неча кунги пленуми ҳам депутатларни ва барча меҳнаткашларни ишонтириб айтаманки, республикамиз партия ташкилотлари ўтмишнинг хато ва нуқсонларига чек қўйиб ўз фаолиятларини тубдан ўзгартираяптилар.

Ўз фаолиятини танқидий кўз билан таҳлил этиш, ички ишларида демократия ва ошкораликни кучайтириш, халқ билан алоқани янада мустаҳкамлаш — партиямизнинг бугунги кунда кўзга яққол ташланиб турган асосий ҳаракати ва мақсадидир.

Ўртоқлар!

Яна бир марта сизларни Ўзбекистон ССР Президенти лавозимини ўзимнинг халқ олдидаги, республика олдидаги бурчим, масъулиятим деб ҳисоблашимга ва жонажон Ўзбекистонимизнинг, буюк халқимизнинг совет халқлари қардошлик оиласида янада фаровон ҳаёти учун бор кучимни сарфлайман, деб ишонтиришимга рухсат бергайсизлар.

Бизни ўйлантираётган муаммолар

АСКАРЛАРНИ АСРАЙЛИК

Кейинги пайтларда Совет Армияси хизмати ҳақида баҳс-мунозарали мақолалар авж олди. Бу бежиз эмас, ҳозирги кун, давр шуни тақоза қиляпти.

...Тошкентлик Ислом Раҳмонов билан ўрта чирчиқлик Маҳмуд Ориповлар Олтой ўлкасига хизматга чақирилиб, бор-йўғи тўққиз кун «хизмат» қилиб, қийинчиликларга эмас, хўрликларга чидолмай ота-оналари бағрига қочиб-қайтиб келишди.

— Ҳарбий қисмга қоронғу тушганда кириб бордик,— деди собиқ аскар Ислом Раҳмонов. — Кирган заҳотимиз «қариялар» ҳаммамиздан бирваракайига пул талаб қилишди. Мен бермадим, чўнтагимни кавлашмоқчи бўлишганида қаршилик кўрсатдим, ҳаракатим ёқмади шекилли, ура кетишди. Мен ҳам қараб турмадим, кейин баттар калтаклашди. Хуллас, ўша куни хизматга янги борганлардан 240 сўмга яқин пул йиғиб олишди. Йўлдан чарчаб борганмиз, кўзим илиниб энди ухлаган эканман, мени ювиниш хонасига чақириб кетишди, беш-олти киши роса дўппослади. Саккиз кун туну-кун ана шундай «хизмат» қилдик. Кечалари ҳожатхонага чиқишга қўрқардик, бесабаб муштлашаверарди. Ошхона ҳарбий қисмдан анча нарида эди. Саф бўлиб кетаётганимизда қалпоғимизни олиб панжарали деворнинг нарёғига отиб юборишарди. Сержантлар қалпоқни олишга рухсат бермасди. Қулоқ, бурун, юзларимиз музлаб овқатга борардик. Қайтишда қалпоқларимизни олишга рухсат беришарди.

— Янги борганларнинг ҳаммаси шундай калтакланармиди?

— Бошида деярли ҳаммаси. Кейинчалик пул берган, «дед»ларга қуллуқ қилувчиларга шафқат қилинаркан. Бунақалар беш-олтитагина эди, холос. Қолганлар эса... Ярим кечаси уйғотиб, ухламайсан деб табуретка кўтартиришарди, ҳовлига олиб чиқиб қор куратишарди.

— «Қочиш» режасини ким тузди?

— Мен, ўрта чирчиқлик Маҳмуд ва тошкентлик Али деган бола маслаҳатлашиб қочдик. Вокзалда проводникка шароитни тушунтирдик. Аввалига у кўнмади, сўнг Алининг ҳайдовчилик гувоҳномасини бериб, Тошкентга эсон-омон етиб борганда ҳисоблашишни ваъда қилдик.

— 28 декабрь куни Ислом билан Маҳмуд уйга кириб келишганида лол бўлиб қолдим, — дейди Исломнинг опаси Саноат Абдураҳмонова.— Ювинтириб, кийинтириб 6-поликлиникага олиб чиқдим. Дўхтирлар укамни текшириб мияси чайқалган деб, «Тез медицина ёрдами» шифохонасига йўлланма ёзиб беришди. Маҳмудга эса қатиқ ичириб туришни буюришди. Шифохонада укамнинг бошини рентгенга солиб, поликлиникада қўйилган диагнозни тасдиқлаб, ҳарбий хизматчи бўлгани учун бу ерда олиб қололмасликларини ва ҳарбий госпиталга олиб боришни маслаҳат беришди. Ҳарбий комендатурадан йўлланма олиб госпиталга бордик. 28—30—31 декабрь кунлари бизни қабул қилишмади. 2 январь куни ҳарбий врач Исломни юзаки текшириб «соппа-соғ» деб айтди. Беш кун ичида укамнинг кўкарган, шишган жойлари қайтган эди. Маҳмуд ҳадеб қон қайт қилаверганидан, қўрқиб, 29 декабрь куни Тўйтепага — уйига олиб бориб қўйдим.

«Тез медицина ёрдами» шифохонасида бош врач ўринбосари Т. Полянская билан қабул бўлимидаги қайдлар дафтарида И. Раҳмоновнинг фамилиясини тополмадик. Илтимосимга кўра рентген хонасига кириб, у ердаги дафтарни кўздан кечирдик. 1133 рақам билан И. Раҳмоновнинг соат 18 дан 20 минут ўтганда хирургия қабул бўлимидан рентгенга туширилгани қайд этилган эди. Қабул бўлимида Исломнинг бўлимга келгани ҳақида ёзув йўқ?! Навбатчи врачнинг бу ҳаракати жумбоқлигича қолди.

— Ростданам бизда ҳарбий хизматчилар қабул қилинмайди,— дейди Тамара Алексеевна.—Бироқ улар бизга мурожаат қилишгач, биринчи ёрдам кўрсатишимиз шарт. Раҳмоновга ўхшаган бемор-ҳарбий хизматчиларни эса «Тез ёрдам» машинасида навбатчи врач ҳарбий госпиталга жойлаштириб келиши зарур эди...

— Менга бир нарса алам қилаяпти,— дейди Саноат опа. — Ҳарбий хизматга чақираётганда, йигитларни дарров топиб олишади, армиядан бунақа қайтиб келганлар билан эса ҳеч кимнинг иши йўқ. Калинин ноҳия ҳарбий комиссариатида эса укамни ҳеч қаерга қимирламай, уйда ўтиришини таъкидлашди. Қачонгача укам уйда қўрқиб, бекиниб ўтиради. Ишга жойлаб қўяйлик десак, ҳеч қандай ҳужжати йўқ, нима қилишга ҳайронман.

— Менинг ўғлим туппа-тузук хизмат қилаётган эди. Бир йилу уч ойдан кейин Тошкентдаги руҳий касалликлар шифохонасига ташлаб кетишибди, — дейди Оққўрғон ноҳиясидан редакцияга келган Абдукарим Тоштанбеков.— Уч ой деганда ўғлимдан хабар топдик.

Эрурбой Тоштанбеков 1988 йилнинг кузида ҳарбий хизматга чақирилди. Тўрт мучаси саломат эди, уни хорижга хизматга юборишди. 10—15 кунда хатлар ёзиб турарди. Ҳарбий хизматни аъло ўтаётганидан бўлса керак, қисм командиридан ташаккурнома олди. Эрурбой бу ташаккурномани Оққўрғонга жўнатди. Абдукарим ака билан Меҳринисо опанинг боши кўкка етди, шундай ўғиллари борлигидан фахрланишди. 1989 йилнинг октябрь ойида унинг ўз қўли билан ёзган сўнгги хатидан сўнг бошқа хат келмади. Ота-она ҳайрон. Ноҳия ҳарбий комиссариатига чиқишди. «Ҳавотир олманглар, ҳаммаси яхши бўлади» деб уларни тинчитган бўлишди ва ҳарбий қисмга телеграмма жўнатилди. Уч-тўртта телеграммадан кейин ҳам жавоб бўлавермагач, қишлоқда Германия Демократик жумҳуриятига саёҳатга кетаётган қўшниларига Эрурбойнинг адресини ёзиб беришди. Бу орада 10 февралда Эрурбойдан, аниқроғи унинг хизматдошидан хат келди. «...госпиталда ётибман, йиқилиб тушдим, қўлим синди, яқинда бир ой бўлади. Йиқилганимда қўрққанимдан ўзимни йўқотиб қўйдим. Ҳозиргача тишларим оғрияпти, синибди. Хатни ўшлик бола ёзди...» Бундай хатни ўқиган қайси ота-она тинч ўтира олади. Йиғлаб-сиқтаган билан, елиб-югурган билан хорижга боришнинг ўзи бўлмас экан. Ноҳиядаги ҳарбийлар «яхши бўлади, телеграмма жўнатдик»дан нарига ўтишмаса. Эй, бу қандай кўргилик!

Олти кундан сўнг телеграмма келди. «Эрурбой Тоштанбеков жумҳурият Соғлиқни сақлаш нозирлигининг руҳий касалликлар шифохонасида, 13-бўлимда даволанаяпти. Даволовчи врач Ҳамдамов».

Ҳарбий госпиталдан берилган касаллик варақасидан кўчирма: «Ҳеч ким билан гаплашмайди, топшириқларни бажаролмасди, кун тартибига риоя қилолмасди, овқат емай қўйганди...» Юқорида эслатилган ташаккурнома билан бу ҳужжат ўртасида ер билан осмонча фарқ бор, шундай эмасми?!

Оққўрғонга борганимда Эрурбойни энди дўхтирга олиб боришмоқчи экан.

— Баъзида аҳволи тузук бўлиб қолади, тоби қочган куни эса ҳеч ким билан гаплашгиси келмайди, — дейди ота бечора куйиниб.

Эрурбой билан суҳбатлашиш оғир бўлди. Бир ярим соат ичида берган саволларимга «ҳа», «йўқ»дан бошқа жавоб ололмай ўтирдим. Унинг ўрнига ота-онаси, ака-опалари жавоб қайтаришарди. Суҳбатни тугатиб энди туришга шайланган эдим, Эрурбой «очилиб» қолди:

— Ноябрь ойининг боши эди, ҳамма оммавий текширувга ҳозирланарди. Мен ошхонага бориб ўзбек ошпазидан кийимларини олиб, кийиб олдим. Старшина келиб: ўзингнинг кийимларингни кий, деб буюрди. Мен аста гапига эътироз билдирувдим, бақириб ташлади...

Эрурбой бу гапларни қоғозга тушганчалик силлиқ гапирмади, тутилиб-тутилиб сўзларди. Юқоридаги сўнгги гапни айтгач, у узоқ ўйланиб қолди, хаёллари қочиб кетди. Уни гапиртиришга ҳеч ким ботина олмасди, уйда чивин учгани эшитиларди.

— ...Ўша куни кечқурун овқатга бормадим, кечаси билан ухлаёлмадим, ичимдан ўтаётганини бир ўзим билардим, холос. «Подъём» деган сўзни элас-элас эшитиб, ўрнимдан турдим, бошим айланар, кўнглим айнир эди, зўрға ювиниш хонасига чиқдим. Кўча томон деразаси очиқ эди... орқамдан бир йигит мўралаганини кўрдим... У ёғини билмайман, кўзимни очсам уч-тўртта болалар кўтариб кетишяпти... Госпиталда, учинчи қаватдан йиқилиб тушдинг, дейишди...

Хонадаги оғир сукунатни Меҳринисо она билан Кундузой опанинг «пиқ-пиқ» йиғисигина бузиб турарди.

Қисмдагилар уч ой Эрурбойга нима қилганлигини ёзишга ботина олишмаган, ёки тузалиб кетар деб яширишга уринишган. Бу орада Эрурбой учта ҳарбий муассасада ётиб чиққан.

— Хатни ким ёзди?— сўрайман Эрурбойдан. У хатни олиб узоқ тикилади ва оҳиста «билмайман» дейди. Кейин «ёнимда ўшлик бола бор эди» деб қўшиб қўйди.

Ташқарига чиққач, уйдаги қариндошлар, «бу гапларни биринчи марта эшитаяпмиз» дейишди.

Оққўрғон ҳарбий комиссариатида бошлиқни учратолмадим. Ҳарбий майорлар Симонов ва Пустабоевлар билан суҳбатда бўлдим.

— Тоштанбековга нисбатан ҳам ҳуқуқий, ҳам инсонийлик жиҳатдан мутлақо нотўғри йўл тутишган,— дейишди улар. — Ҳарбий қонунга кўра, жангчи батамом соғайгач уйига рухсат берилади. Бемор жангчини ҳеч қачон юртига жўнатишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ! Қайтариб юборилган жангчи ҳақида, у чақирилган ҳарбий комиссариатга хабар етказиш зарур. Ушбу воқеа хусусида эса, беморни касалхонага жойлагач, бу ҳақда бизни ёки жумҳурият ҳарбий комиссариатини хабардор қилишлари лозим эди. Тоштанбековлар бизга учрашганларида ҳайрон бўлиб қолдик. Зудлик билан жумҳурият ҳарбий комиссарига бу ҳақда хабар қилдик. Ҳарбий қисмга эса маълумотнома сўраб мурожаат этдик.

Чиқиб кетаётганимда эса ҳозирча бу мавзуни ёритмасликни, бўлиб ўтган воқеалар тўғрисида маълумот олмагунча ёзмай туришимни сўрашди. Шунча давр индамай турганимиз етмасмиди, ҳарбий темир интизом бўлган Совет Армияси сафларидан ногирон, майиб-мажруҳ бўлиб қайтаётган ҳамюртларимиз фожиаси ана шу индамасликнинг оқибати эмасмикан!

Жумҳурият руҳий касалликлар шифохонасида Эрурбой Тоштанбеков билан бирга хориждан келган яна олти нафар ўзбек ҳамюртимиздан бири, қорақалпоғистонлик Шодибек Маткаримов билан учрашишга рухсат беришди. Шодибекнинг ҳужжатида ҳам уйқуси қочганлиги, ниҳоятда асаблари тортилганлиги, ухлаётган пайтида қўрқиб чиқиши, чўчиб уйғониши, даҳшатли овозларни эшитиши ёзилган. Шунингдек, бошидан кечирган руҳий касаллик оқибатида асабларнинг чарчаганлиги, бўшашувчанлик аломатлари бор, дейилган.

— Ҳозир беморнинг аҳволи анча яхши,— деди 12-бўлим мудири С. Дьяковицкий.—Уйидагилар келса, жавоб бериб юборамиз.

— Беморнинг бу ерга келтирилганига икки ҳафта бўлибди, ҳали ота-онасидан дарак йўқми?

— Авваламбор жангчи ҳақида ҳарбий қисмдагилар ота-онасига хабар қилишлари керак. Шунча йил ишлаб ҳали бунақа бебошликни эслолмайман. Жангчи бизга тушгач, савоб учун ҳам унинг ота-онасига хат ёки телеграмма жўнатамиз.

Шодибек билан ҳам суҳбатлашиш осон бўлмади.

— Ҳарбий хизматни давом эттирмайманми, уч ой қолдику, борақалай,— дея ялинди, у.

Унга тартибни тушунтирдик.

— Унда «дембел»га тайёрлаган альбомим нима бўлади?...

— Қисмда уруш-жанжал бўлиб турармиди?

— Оз-моз.

— Сизни неча марта уришган?

— Бир марта машинанинг бортини ёпмаганимда уришган. Ўшанда лабим ёрилган.

— Лабингиз тикилган экан. Врачларга бу ҳақда нима деб айтдингиз?

— Йиқилиб тушдим, дедим...

Орият...

— Армияда бу ҳақда гапириб бўлмайди. Кейинги сафар, иссиғим кўтарилиб санқисмда ётган эдим, «дедлар» уришди, қандай, қанақа қилиб урганини билмайман, ўшандан кейин госпиталга тушдим.

— Унда нега уришди?

— Кузда «молодой»лар келганида агар «дедлар» сизларни урса, ўзаро бирлашиб уларнинг адабини берайлик деб айтганим учун уришди.

— Бу ерга қандай қилиб келиб қолдингиз?

— Уйга кетасизлар деб алдашди.

— Неча киши келдинглар?

— Етти киши эдик. Орамизда бир бола оғирроқ эди. Офицер уни оёқ-қўлини боғлатиб қўйди. Берган овқатларимизни қайт қиларди. Унга ҳожатхонага чиқишга рухсат беришмасди, бир жойда ўтириб келаверди. Уч-тўрт кун юрганимиздан кейин бир шаҳарда касалхонага тушириб қолдиришди. Тошкентга олти кеча-кундуз деганда етиб келдик...

Шифохонага борганда бош врачга мақсадимни, кўрган-эшитган воқеаларни сўзлаб бердим.

— Мени ҳам анчадан бери шу муаммо қийнаб келади, — дейди Абдурашид Муҳсимович Абдалиев. — Тил билмаслик, бунинг натижасида эса ҳарбий буйруқларни тушунмаслик хизматдан қайтариб юборилаётган йигитларга «ақли заиф» деб тамға босишга сабаб бўлаяпти. «Встать», «Садись» деб солдатнинг тепасида бақириб тургандан кейин, тил билмаган жангчи «нима деяптийкин» деб ён-атрофга қараши табиий. Ёки жисмоний машқни бажара олмаган йигитни «ақли заиф» деган камситиш ҳам адолатдан эмас. Командир жангчини госпиталга текширишга юборади. У ерда ҳам русча саволларга аниқ, лўнда жавоб беролмагач... Шунингдек, тўсатдан қилинган дўқ-пўписалар ҳам жангчини довдиратиб ваҳимага солиб қўяди, натижада унинг «касаллиги» ҳам «тайин» бўлади.

— Соппа-соғ одамни «касал»га айлантириш осон иш экан-да?

— Афсуски, шундай. Руҳий касаллик уч гуруҳга бўлинади: авлоддан-авлодга ўтувчи чинакам касаллик, мудраб ётган ва ўткинчи касалликлар. «Ақли заиф» жангчиларимизнинг «касаллиги»ни ўткинчи деб фараз қилиш мумкин. Соддароқ тушунтирадиган бўлсам, ишда ёки кўча-кўйда жиддий асаббузарлик билан тўқнаш келган соғлом одам ўша заҳоти текширишдан ўтказилса руҳий «касаллик» аломатлари кўринади. Ваҳоланки, у мутлақо соғ одам. Жангчиларга нисбатан шундай йўл тутилади десам муболаға бўлмайди. Баъзан шундай асаббузарликлар туфайли киши ногирон бўлиб қолиши ҳам мумкин.

— Қурилиш батальонига ўрта осиёликлар кўп тушади деган гап ҳақиқатга тўғри келадими?

— Шунақа деса ҳам бўлади.

— Абдурашид Муҳсимович, суҳбатингиздан шу нарса маълум бўлдики, ҳарбий чақирилув пунктларида психиатр ва психологлар бўлиши шарт экан. Бундай мутахассислар етарлими?

— Психолог ҳозир жангчиларни тиббий кўрикдан ўтказишда қатнашмайди, лекин келажакда уларни албатта, бу ишга жалб қилиш лозим.

...1989 йилда Ўзбекистонга Совет Армиясидан 430 жангчининг тобути келтирилди. Уларнинг аксарияти қурилиш батальонларида рўй берган фожиалар... ва бизларнинг ўз фарзандларимиз тақдирига нисбатан бўлган лоқайдлигимиз қурбонларидир.

Армия — чиниқиш, ҳарбий кўникма олиш, ҳарбий техникани ўзлаштириш мактаби. Армиядан мақсад — Ватан ҳимоячиларини тайёрлаш. Шу жиҳатдан кеча ўз ишини бошлаган ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг биринчи сессиясида «Умумий ҳарбий мажбурият тўғрисида»ги СССР Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш юзасидан Ўзбекистон ССР Олий Советининг таклифлари тўғрисида»ги масаланинг кун тартибига қўйилгани айни муддаодир.

Аброр ҒУЛОМОВ,
СССР Журналистлар уюшмасининг аъзоси.

ВЛКСМ МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИНИНГ ПЛЕНУМИ

1990 йил 23 март куни ВЛКСМ Марказий Қўмитаси X пленуми ўз ишини давом эттирди.

Пленум бўлиб ўтган муҳокамани ҳисобга олган ҳолда ВЛКСМ Уставини ишлаб чиқиш юзасидан ВЛКСМ Марказий Қўмитаси Комиссиясига тақдим этилган Устав ва устав характерида бўлиши мумкин бўлган ВЛКСМ XXI съезди резолюцияларининг лойиҳаларини маромига етказишни топширди, уларни «Комсомольская правда» рўзномасида чоп этишга ва мазкур ҳужжатларни ВЛКСМ XXI съезди кўриб чиқишига киритишга қарор қилди.

Пленум ВЛКСМ XXI съездига тайёргарлик кўришни ташкилий таъминлаш ва ўтказиш тўғрисида ВЛКСМ Марказий Қўмитаси ташкилий бўлими мудири В. Чепуриннинг ахборотини маълумот учун қабул қилди.

ВЛКСМ Марказий Қўмитаси ва ВЛКСМ Марказий тафтиш комиссиясининг қўшма мажлисида ВЛКСМ Марказий тафтиш комиссияси раиси Н. Кликовнинг ахборотини маълумот учун қабул қилди.

ВЛКСМда ўз органлари ва аппаратини назорат қилишнинг катта, бир-бирини такрорловчи тузилмаларни ташкил этиш мақсадга мувофиқ эмаслиги таъкидлаб ўтилди. ВЛКСМда назоратни қайта қуриш концепцияси юзасидан XXI съездга ВЛКСМ Марказий тафтиш Комиссиясининг таклифини матбуотда чоп этишга қарор қабул қилинди.

Пленум ВЛКСМ XXI съезди кун тартибига қуйидаги масалаларни киритишни лозим топди:

1. ВЛКСМ Марказий Қўмитасининг ҳисоботи.
2. ВЛКСМ Марказий тафтиш Комиссиясининг ҳисоботи.
3. ВЛКСМ Ҳаракатномаси тўғрисида.
4. ВЛКСМ Устави тўғрисида.
5. ВЛКСМдан сайланган СССР халқ депутатлари гуруҳининг ҳисоботи.
6. ВЛКСМ Марказий органлари тўғрисида.

Пленум ВЛКСМ Марказий Қўмитасининг назарда тутилган янги таркибида комсомол ташкилотларининг вакиллилигини ўзгартиришга розилик берди ва иттифоқдош жумҳуриятлар ЛКСМ Марказий Қўмиталарига, вилоят комсомол қўмиталарига ВЛКСМ Марказий Қўмитасининг янги таркибига қўшимча номзодларни кўрсатиш ва тавсия этиш юзасидан зарур бўлган ишни амалга оширишни топширди. Пленум ВЛКСМ Марказий Қўмитаси IX пленумининг «РСФСР комсомол ташкилотларининг съездини чақириш тўғрисида»ги қарорининг бажарилиши тўғрисида РСФСР ЛКСМ съездига комсомол ташкилотларининг фаолиятини мувофиқлаштириш ва тайёргарлик кўриш учун Ташкилий қўмитанинг ахборотини маълумот учун қабул қилди ва уни «Комсомольская правда» рўзномасида чоп этишга қарор қилди.

Пленум ВЛКСМ Марказий Қўмитасининг «Ўқувчи ёшлар тўғрисида», «Комсомол ва кашшофлар ташкилоти» резолюциялари лойиҳаларини кўриб чиқди ва уларни ВЛКСМ XXI съезди муҳокамасига киритишни тавсия этди.

Пленум СССР Қуролли Кучлари комсомол ташкилотларининг Умумармия кенгашининг кенгайтирилган пленуми қатнашчиларининг хулосалари ва таклифларини, мурожаатини маълумот учун қабул қилди ва ВЛКСМ XXI съездига уларни съезднинг мунозара марказларида муҳокама этишни ҳамда мазкур масала юзасидан резолюция лойиҳасини съездга киритишни таклиф қилди.

Пленум 1990 йилги ВЛКСМ Марказий Қўмитасининг бюджетига тузатишлар киритиш тўғрисидаги ВЛКСМ Марказий Қўмитаси молия-иқтисод комиссиясининг таклифини қўллаб-қувватлади.

ВЛКСМ Марказий Қўмитаси пленуми ВЛКСМ XXI съезди делегатлари вакиллари кенгашига «Комсомолнинг оммавий ахборот воситалари ва ноширлик фаолияти тўғрисида»ги резолюцияси лойиҳасини кўриб чиқишни ва уни ВЛКСМ XXI съездига киритишни таклиф қилди.

Пленум «Оролбўйи минтақасида юзага келган аҳвол тўғрисида» қарор қабул қилди.

ВЛКСМ Марказий Қўмитаси пленуми шунингдек бир қатор масалаларни кўриб чиқди.

Василий СЕЛЮНИН

ИҚТИСОДИЁТНИНГ ҚОРА ТУЙНУКЛАРИ

Наҳотки ҳозирги шароитимизда бу ортиқча бўлса. Бошқа асосларни ҳам келтириш мумкин. Лекин нима учун? Карнинг эшитишни истамаганлигидан кўра ҳасаднинг ақлдан устун келиши ёмондир, Ёки хитойлар айтганидек қизил кўзлар хасталиги: менга ёмон бўлса ҳам майли, лекин қўшнимга ҳам яхши бўлмасин. «Ширкатчи нозирдан кўп маош олса адолат қаерда?» деб сўрайди бор-йўғи ўн дақиқа бурун ўша нозирни, унинг аппаратини ва имтиёзларини қайта қуришга тўсиқ бўляпти дея бисотидаги бор сўзлар билан сўккан одам.

Менимча, юқори ҳокимиятдаги кишилар ширкатчилик ҳаракати одамларда меҳнатга бўлган зўр иштиёқ туғдиришини яхши билишади. Уларнинг ташаббуси билан ширкат тўғрисида қонун қабул қилинди. Бу шу кунгача хўжалик юритиш борасидаги ҳужжатлар ичида энг яхшисидир. Бироқ ислоҳотчилар одамларнинг кайфияти билан ҳисоблашишга мажбурлар. Қонун ҳар доим ҳам жамоатчилик фикридан жуда ҳам илгарилаб кетмаслиги керак. Мисол учун ҳуқуқшунослар ўлим жазосини бекор қилиш кераклигини тушунишади, бироқ бундай қонунни жорий қилишолмайди, негаки — одамлар қабул қилишмайди. Бу ерда ҳам шундай. Эсимда бор, телевидениеда «давра столи» суҳбати ўтказиб, ширкат тўғрисидаги янги қонунни, унинг айрим камчиликларини муҳокама қилаётгандик, мақтаётгандик. Учрашув ниҳоясида молия нозири ўринбосари ўрнидан турди-да, деди: солиқ олишнинг янги тартиби белгиланган, унга биноан ширкатчилар фойданинг 90 фоизини хазинага топширадилар. У соддароқ қилиб айтса ҳам буларди: нималар деб валақлаяпсанлар, унутларинг ва тупурларинг, ахир ҳаммасини биз ҳал этамиз-ку. Бу сафар матбуот молиячиларнинг ўзбошимчалигини якдиллик билан қоралади, ширкатчиларни ҳимоя қилишди. Бироқ бу жамият бўлажак ширкатчилар тимсолида қўрқмас ва ташаббускор баҳодирларни кўрганида юз берганди. Кейинроқ уддабуррон одамларни йўқотиш осон кўчди. Махсус қарор билан қурол ва наркотик тайёрловчи ширкатлар тақиқланди. Бундай ширкатлар шундоқ ҳам йўқ эди — олдинги қонунлар улар пайдо бўлишига йўл қўймасди. Бироқ тақиқ бизга кўрингандек мантиқсиз эмас: ўша ҳужжат билан даволаш, нашр этиш ва бошқа қатор ширкатлар ҳам ман этилди — наркобизнес ёнида улар ҳам хунук кўринарди.

Кейин ширкатчиларни корхоналарга бириктириб қўйишди — уларнинг буюртмаси ва назорати остида ишлашсин. Эндигина кўникишганда янги ҳужум. Мен юқорида ҳозиргидек хўжалик юритишда корхоналар жамоалари маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтирмаган ҳолда маошни истаганча оширишлари мумкинлигини айтиб ўтдим. Жумладан заводларнинг рағбатлантириш фондлари тезлик билан ўсмоқда. Ишчиларни асосан моддий рағбатлантириш фонди қизиқтиради — уни қўлларига беришади-да. Бошқа икки фондга (маданий-маиший ва ишлаб чиқаришни ривожлантириш) улар бефарқ: чунки у ерда пул нақд эмас, маошга қўшилмайди, ҳатто уларни ишлатиб ҳам бўлмайди — улгуржи бозор бўм-бўш. Худди шу пайтда заводлар ҳузурида ширкатлар пайдо бўлди. Буюртмани бажарганлик учун, шунингдек маош учун ҳам маблағни ишлаб чиқаришни ривожлантириш фондидан сарфлашди. Шу тариқа нақд бўлмаган пулни нақдга айлантиришди.

Давлат меҳнат қўмитаси тезликда бунинг оқибатини тушуниб етди ва ишни тўхтатди: агарда ширкатчиларни ёлламоқчи бўлсангиз маош фондидан ҳисоб-китоб қилинг. Энди ширкатчилар штатдаги ишчилардан ўн карра кўпроқ ишлаб топишса ҳам, корхонада ўртача маош ошиши ва меҳнат унумдорлиги ўсишидан кўпроқ бўлиши мумкин. У ҳолда энг охирги йўриқномага («тўрт талончи» хати) биноан бутун жамоага ҳақ тўлаш тўхтатилади. Штатдаги ишчининг ширкатчига нафратини тушуниш қийин эмас: мен дангасалик қилган, сен аблағ эса ўлиб-тирилиб ишлаган бўлсанг ҳам ўзинг олган ортиқча ўн сўмни умуман жамиятдан эмас, балки шахсан мендан олгансан. Давлат меҳнат қўмитасидагилар ўз қарорларининг натижаси худди шундай бўлишини билишмаган дейиш ўта соддадиллик бўлурди. Агар ҳар ким қанча ишлаган бўлса, шунча олса унда қўмитанинг нима кераги бор? Жамиятнинг турли қатламларини уриштириб қўйгач, уларни муросага келтириш, оҳ, қанчалик мушкул. Аммо ҳамма гап шундаки, амалдорлар ўз ҳукмини ўтказишлари учун яна баҳона тайёр.

Ширкатчиларни чалиб йиқитишга бўлган уринишларни истаганча санаш мумкин, бироқ бош нозиримизнинг маърузасидан бир парча келтиришнинг ўзи кифоя деб ўйлайман. «Айрим ширкатчиларнинг салбий томонлари» хусусида тўхталиб, маърузачи деди: «Бу ширкатчиликка катта зарар келтирмоқда, очкўзлик, юлғичлик, ғаразгўйлик, бойликка ҳирс қўйиш, шахсий бойлик орттириш, фуқароларнинг манфаатларини менсимаслик унинг табиатига мутлақо ётдир. Таассуфки, биздаги ширкатчилик ҳаракатида ана шу қусурларнинг ҳаммаси бор, бу меҳнаткашлар ғазабини қўзғатмоқда. Улар тартибга солишни талаб этишмоқда». Эътибор беринг-а, унумли меҳнатга ундовчи энг ишончли восита — моддий ва молиявий манфаатдорлик қанчалик таҳқирланган: шахсий бойлик орттириш, мол-дунёга ҳирс қўйиш, очкўзлик, юлғичлик, ғаразгўйлик. Билмадим, балки омилигим туфайлидир, ҳар қалай шу пайтгача ғаразгўй бўлмаган уддабурронлар етиштириладиган инкубаторнинг қаерда эканлигидан бехабарман. Эҳтимол колбада ҳар томонлама мукаммал бўлган инсон яратиш кашф этилгандир? Бироқ менимча эски усул ҳам ўзини тўла оқлайди.

Нима десангиз денгу, аммо ислоҳотчиларнинг бош йўналишдан мулкчилик муносабатларини қайта қуришдан чекинганликлари яққол кўринмоқда. Ғаразгўйликдан ҳоли, шахсий бойишдан ҳазар қиладиган, ҳеч қандай мулки бўлмаган одам хизматчи ҳам, фуқаро ҳам эмас. Бу ўзига ҳам, оиласига ҳам, жамиятга ҳам лоқайд бўлган одамча. У гарчи қайта қуриш байроғига кимнингдир меҳр-шавқат қилишини кутма, ўз бахтингни ўзинг ярат, меҳнатда ўз ҳуқуқингни топасан деб ёзиб қўйилган бўлса ҳам, ундан нон ва томоша талаб қилади. Бундай одамчаларга асосланган қайта қуриш барбод бўлади. Уддабуррон, омадли ва меҳнаткаш кишиларга нисбатан «меҳнаткашлар ғазаби» қаршисида тизза қалтирайдиган бўлса қайта қуришни бошламаган маъқул эди. Кимки қўрқиб кетган бўлса четга чиқсин, халақит бермасин, ахир ҳазилакам жанг бўлмаяпти. Ким ғолиб чиққани эса ўз-ўзидан маълум бўлади. Уддабурронлар ғолиб чиқишса бундан бугунги кунда уларнинг душманлари бўлганлар ҳам ютишади — ҳамма яхши яшай бошлайди. Қарши томон ғолиб чиқса, у ҳолда иккovларига ҳам, шу билан бирга давлатга ҳам қардошлик мозори тайёрлаб қўйилган. Курашнинг натижаси ҳокимият қайси томонда бўлишига боғлиқ, ҳозирча эса у икки томондан ҳам тепки емоқда. Ахир қачонгача одамчага ён босиш мумкин? Яқинда 62 минг кишидан сўрашган: хизмат кўрсатишнинг қайси соҳаси кўпроқ ёмон ишлайди? Маълум бўлишича бўш шишани қабул қиладиган пунктлар экан. Хўш, бунисига энди нима дейсиз?

Гап ширкатчилар ёки якка хўжаликларда эмас. Фикримча ҳозирги давлат мулкчилигида инқилобий ўзгариш қилиш лозим, у ўз эгасига эга бўлиши керак. Давлат корхоналарини аста-секин акционерлик корхоналарига айлантириш режасини таклиф қиламан. Улар қимматининг бир қисми марказлаштирилган бюджет капитал маблағлари ҳисобига яратилган. Бу пулга давлатга тегишли акция чиқарилади, ундан келадиган фойда хазинага тушади. Асосий фондларнинг бошқа қисмига завод пулидан тўланган. Тегишли акциялар жамоа мулки бўлади, улардан келадиган даромадга ишлаб чиқаришни кенгайтириш, турар жой қуриш мумкин. Ниҳоят акциянинг учинчи тури — корхона хизматчиларининг мулки. Конструктор ва қоровулнинг, фахрий ва янги ишчининг улуши бир хил бўлмаслиги керак. Акцияларнинг бу турини ҳар кимнинг маошига ва ишлаганига қараб бўлиш адолатлидир. Қимматбаҳо қоғозлардан олинадиган фойда маошга қўшиладиган каттагина улуш бўлади.

Ўз-ўзини маблағ билан таъминлашга ўтилгач эса хазина ҳаракатдаги заводларда қайта ишлаб чиқаришни кенгайтиришга маблағ сарфламайди, демак янги акция ҳам олмайди. Дарвоқе, асосий фондларнинг қиммати ўн, боринг ана йигирма йилда бир-икки ҳиссага ошади. Ўз-ўзидан маълумки, давлат акцияси ўзгармас экан, унинг умумий қийматдаги ҳиссаси ҳам камайиб боради ва корхона аста-секин акционер корхонага айланади. Хазинага тушадиган тушум камаймайди — у ўз улушини бутун Ғарб давлатида бўлгани сингари солиқ ҳисобига ундириб олади. Акционерларнинг қимматбаҳо қоғозларни сотиш ҳуқуқини чеклаш мутлақо нотўғри бўлур эди. Акс ҳолда келажакда капитал бозори пайдо бўлади. Шароитга қараб давлат пулга акция сотиб олиши ёки аксинча, фонд биржасига беришлари мумкин. Худди шу йўл билан давлат мулкчилиги улушини хусусий, ширкатчилик, акционерликдаги ҳиссасини бошқариб туради.

Бу иқтисодий ва ижтимоий соҳада чуқур ўзгаришларга олиб келадиган ишлаб чиқариш муносабатларининг ўзгаришлари бўлади. Бу вариант бутун жаҳонда синовдан муваффақиятли ўтган.

Ҳақиқатан ҳам, Маркс тасвирлаган капитализм, улкан корхонанинг хўжайини бир киши бўлган давр аллақачонок ўтиб кетган. С. Меньшиковнинг ёзишича («Новий мир», 1989, № 3) «Женерал моторс» компаниясида 750 минг ишчи ишлайди, бироқ унинг акцияларига эгалик қилувчилар миллионга яқин. Ҳатто уларнинг энг йириги ҳам акцияларнинг лоақал бир фоизига эга эмас. Бир вақтлар энг илғор назария асосчилари хўжайинлардан фабрикаларни сотиб олмоқчи бўлган утопистлар устидан тоза кулишганди: бир кружка ёмон пивога ҳақ тўлолмайдиган қашшоқлар пивохонани орзу қилишади, жамоа мулкчи бўлишгач, улар қандай бойишлари мумкин? Ойнинг ёғдусидан кумуш танга қуйиш осон эмасми бундан кўра? Бироқ ҳаёт ўзгармоқда. Ҳозир АҚШда 10 миллион киши хизматчилар сотиб олган корхоналарда меҳнат қилишмоқда. Давлат мулкчиликнинг бу шаклини ҳар томонлама рағбатлантирмоқда. Қани энди биз ҳам шундай қилсак...

Акция тўғрисида бизда қонун қабул қилинган. У икки томонлама фойдали бўлиши мумкин эди. Аҳоли қўлида кераксиз пуллар йиғилиб қолганида ўша заҳоти уларни қимматбаҳо қоғозга қўйишни истаганлар топилди — бу пулни омонат дафтарчада сақлагандан кўра фойдалироқдир. Истеъмол бозоридан ортиқча пуллар тортиб олинди, бу эса иқтисодиётни соғломлашувига кўмаклашади. Дастлаб ютуқ шу бўлди. Кейингилари ҳам узоқ эмасди: иқтисодиётнинг энг қудратли шўъбаси — давлат корхоналарида мулкчилик муносабатларини қайта қуриш бошланди. Аммо бошқа соғломлаштириш тадбири ҳаммасини барбод қилди. Давлат меҳнат унумдорлиги ва маош ўсишини назорат остига олгач эса қимматбаҳо қоғозларини қайтариб бера бошлашди. Негаки қўшимчани ҳисобга олганда маош меҳнат унумдорлигига қараганда тезроқ ошаётганди ва акция учун тўловни тўхтатишга тўғри келди. Сохта муносабатларни назорат қилишдан фойда йўқ, бироқ қайта қуришга зарарли эканлиги аниқ кўриниб турибди. Ислоҳотчилар афсуски яна орқага чекинишди, ачинарлиси шундаки яна бош йўналишдан чекинишди.

VIII

Фақат юзаки қарагандагина мен мақола бошида гапирганим — қанд ва совун талонлари ҳақидаги мавзудан узоқлашиб кетгандекман. Тақсимлашга, карточка системасига ўтиш ишлаб чиқариш муносабатларининг ривожини қайта қуришга тескари йўналишга буриб юборади. Ишлаб чиқариш воситаларига одамларимиз олтмиш йилдан ошибдики эгалик қилишмайди. Шу боисдан ҳам уни жуда-жуда қўмсашади. Биз аста-секин меҳнат маҳсули ҳам уни яратганга эмас, балки уни ўз билганича тақсимловчи амалдорга тегишли эканлигига ҳам кўникиб қолдик. Кенг истеъмол буюмларига карточка жорий қилингач эса одамнинг мулкчиликдан бегонасираши оммавий тус олади ва ўзининг мантиқий поёнига етади: энди маош ҳам, шахсий даромад ҳам номигагина шахсга тегишли бўлади, негаки қачон амалдор ўзи сенга ажратган рус қазиси, кўйлак ёки телевизорни харид қилишга рухсат берса ўшандагина пул реал кучга эга бўлади. Маҳсулотсиз, дўконларда маҳсулот ўрнига улуш бўлган иқтисодиёт пайдо бўлади.

(Бoши ўтган сонларда).

(Давоми бор.)

18

19

Мураббийлар йиғилиши

Ўзбекистон ССР Халқ таълими нозирлиги жумҳурият педагогика ўқув юртлари раҳбарларининг йиғилишини ўтказди.

Бу йиғилишни даврнинг ўзи тақозо этди. Барча соҳаларда бўлгани каби, педагогика соҳасида ҳам муаммолар йилдан-йилга кўпайиб, сўнгги нуқтасига етгани бугун ҳеч кимга сир эмас. Бироқ халқ таълимининг фарқли ва масъулиятли томони шундаки, у эртанги кунимизга бошқалардан кўра кўпроқ ва бевосита масъулдир. Зеро, фан, техника, санъат, иқтисод, хуллас, жамиятимизнинг тақдирини улғайиб келаётган авлод белгилайди. Бироқ, яхши малакага эга бўлмаган, маънавий тарбия кўрмаган ёшларга бирор нарсани ишониб топшириб бўладими? Худди шу сабабли бу ўриндаги камчиликлардан жамият энг кўп жабр кўрди, десак янглиш бўлмас.

Биз узоқ йиллар Иттифоқдаги, жумҳуриятимиздаги ўқув юртлари, улардаги мутахассислар сони, ҳар йил фалон киши ўқишни тугатиб, олий маълумотга эга бўлаётганлиги билан мақтаниб юрдик. Мутахассисларнинг билим савияси паст, фикр доираси қолоқлиги назардан четда қолди.

Бугун қайта қуриш ҳар соҳада бўлгани каби илм-фанда ҳам жаҳон миқёсига кўтарилишимизни хорижий мутахассислар билан рақобат қила оладиган даражага етишимизни талаб қилмоқда. Бу эса Иттифоқ, жумҳурият раҳбарларига масъулиятли вазифа юкламоқда. Зеро, яхши шогирдларни яхши мураббийларсиз воя етказиб бўлмайди.

Йиғилишда сўзга чиққан жумҳурият халқ таълими нозири К. Юсупов «Ўзбекистонда Халқ таълими нозирлиги ўқув юртларининг педагогик кадрларни тайёрлаш, малакасини ошириш борасидаги муаммо ва вазифалари» мавзусидаги маърузаси айнан ана шундай долзарб муаммолар таҳлили, уларни ҳал қилиш йўллари ва истиқболига бағишланди. Нотиқ йиғилиш иштирокчиларига жумҳурият раҳбариятининг бу соҳада тутажак йўлини баён қилиб, уларни очиқ, эркин мулоқотга таклиф қилди. Дилингизда борини, азоб бераётган фикрларни ўртага ташланг, деди. Айтиш керакки, бу йиғин бошқаларидан айнан ана шу эркинлик, ошкоралик, очиқ танқид руҳи билан ажралиб турди. Сўзга чиққанлар нотиқнинг маърузасидан ўрин олган фикрларини қўллаб-қувватлашди, айрим жойларида эътироз билдиришди. Кадрлар танлашни, ўқишга қабул қилиш, аттестация масалаларини янада кескинроқ ҳал қилиш лозимлигини таъкидлашди. Шу билан бирга ҳалигача билим даргоҳларига ўқиш билан умуман алоқаси йўқ ишлар буюрилиши давом этаётганидан воқиф қилишди. Масалан, педагогика билим юртига 32 тонна темир-терсак йиғиш кераклигига қандай баҳо бериш мумкин?

Бухоро Давлат педагогика институти ректори Ф. Қосимов ҳозир ишларни тўғри йўлга қўйиб олиш учун осойишталик зарурлигини таъкидлади. Қандай фанларга асосий урғу беришни ўқув юртларининг ўзлари ҳал қилсинлар, деган таклиф киритди. Эндиги шароитда фирқа қўмиталари ўқув даргоҳлари фаолиятида қандай ўрин тутишларини аниқлаб олиш зарурлигига тўхталиб ўтди.

Жумҳурият ўқитувчиларининг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш марказий институти ректори Ж. Йўлдошев малака ошириш соҳасидаги эски иш услубларидан воз кечилаётгани, марказлаштиришга барҳам берилаётгани ҳақида гапирди. Институтда қўлланилаётган илғор тажриба натижалари билан ўртоқлашди.

Йиғилиш қатнашчилари Ўзбекистон ССР Халқ таълими нозирлиги раҳбарияти билан жойларда ҳам шундай эркин руҳдаги мулоқотлар ўтказилса, деган таклиф киритишди.

Фурқат НЕЪМАТ.

Хориждан хабарлар

МОНГОЛИЯДА НАВРЎЗ БАЙРАМИ

УЛАН-БАТОР, 23 март. ТАСС мухбири Дугар Санжиев хабар қилади: Монголияда истиқомат қилувчи қозоқлар навбаҳор байрами — Наврўзни биринчи бор расмий тарзда нишонладилар.

Баҳор байрами куни каттаю-кичик бир-бирларига пешвоз чиқиб, яхшилик ва фаровонлик тиладилар. Эркаклар қадимий одатга биноан бир-бирларини қучоқ очиб кутиб олдилар, аёллар эса бир-бирлари билан самимий сўрашдилар. Ҳар бир ўтовда дастурхон ёзилди. Дастурхонларга қозоқ таомлари билан бирга анъанавий сутли таомлар ҳам қўйилди.

Кейинги пайтларда Монголия ҳукумати кам сонли миллатларнинг маданий анъаналарини сақлаб қолиш ва ривожлантиришга оид бир қанча чоралар кўрди. Хусусан, асосан қозоқлар яшайдиган боён Улэгэй аймоғида қозоқ тилида ўқитиладиган бошланғич синфларнинг муаллимлари ва болалар боғчаларининг тарбиячилари тайёрланадиган билим юрти очиляпти. Ҳозир бу ерда мачит очиш имконияти кўриб чиқилмоқда.



ГДР. Ақлан заиф бўлган болалар учун мактаб-интернатларда амалга оширилаётган ҳаракатноманинг асосий мақсади — уларни жамият турмушига тўла қўшилишига ва келгусида унинг аъзолари бўлишига кўмаклашишдан иборат. Засницада жойлашган мазкур ўқув муассасасида қарийб 100 қиз ва ўғил бола тарбияланмоқда. Муаллимлар ва тарбиячилар жамоаси 26 кишини ташкил этади.

Суратда: саккизинчи синф ўқувчилари учун рўзғор юритиш сабоғини Рита Лемке ўтказмоқда.

АДН — ТАСС сурати.

НАЖИБУЛЛОНИНГ АЙТГАНЛАРИ

КОБУЛ, 23 март. (ТАСС). «Танай-Ҳикматёрнинг исёни аввало миллий яраш сиёсатига қарши қаратилган эди», — деб таъкидлади Афғонистон Президенти Нажибулло Би-Би-Си мухбири билан қилган суҳбатида. Суҳбат матнини бу ерда БАХТАР агентлиги эълон қилди. Президентнинг сўзларига қараганда, бу фитна Покистон идоралараро разведка бошқармасининг бевосита иштирокида уюштирилган эди. Бироқ вақтинчалик қийинчиликларга сабаб бўлган тўнтариш қилишга уриниш яраш сиёсатига жиддий зарар етказа олмади. АХДПга келадиган бўлсак, партия ўз сафларининг исёнчилардан тозалангани туфайли фақат янада кучлироқ бўлиб қолди ва ҳозир у қудратли ва метиндек мустаҳкам кучдир, деб уқтирди Нажибулло.

Китоблар оламида

ҚИЛМИШ-ҚИДИРМИШ

Тан олиш керакки, биз кўп вақт гиёҳвандлик хусусида фикр юритишдан ўзимизни тийиб келдик. Иллат кун сайин ўргимчак каби ҳаётимизнинг турли қобиқларини чирмаб олаётган бўлса ҳам, уни кўрмасликка олдик ва буни ўткинчи ҳол, деб ўзимизни овутдик. Бахтга қарши бу иллатга хориждаги бир қатор мамлакатларда бонг урилаётганига қарамай, уни ёпиқ мавзу деб тақиқладик. Зеро, мамлакатимиздаги бу иллатнинг хунук оқибатлари ҳақида ҳам баъзан хорижий матбуот орқали хабар топиб қолардик.

Айниқса, оммавий ахборот воситалари учун бу мавзуда қалам тебратиш тақиқланган эди. Бу иллатни фош этувчи ҳар қандай материал тазйиққа учрарди. Қайта қуриш шароити туфайли ҳаётимизни қандай бўлса шундайлигича намоён этиш ҳуқуқига эга бўлдик. Шунда ҳам жуда эҳтиёткорлик билан ишга киришдик. Дастлаб ишни чет элларда чоп этилган мақолаларни кўчириб босишдан бошладик... Мана, бугунги кунда вақтли матбуотда, радио-телевиденида гиёҳвандлик тўғрисида батафсил ёритилмоқда. Бунинг боиси шуки, кейинги вақтларда ёшлар заҳарли оғуга ружу қўяётгани бор ҳақиқат бўлиб қолди. Буни афкор оммадан сир тутиш, фожиа келтириб чиқариши аниқ бўлиб қолди. Шу боис шифокорлар, ҳуқуқ-тартибот ходимлари билан бир қаторда қалам аҳли ҳам баҳоли-қудрат ҳалокатли гирдоб ёқасида турганларни қутқариб қолишга, уларга бангилик нақадар аянчли аҳволга солишини рўй-рост кўрсатишга ҳаракат қилишмоқда. Бу борада жумҳуриятимиз газета ва журналларида ҳам ўтган йилларда бир қатор ибратли мақолалар ёритилди. Айни чоғда уларни жамлаб, китоб ҳолида чоп этишга ҳам эътибор берилмоқда.

Хусусан, муаллиф-тузувчи Зуфаржон Жўраев томонидан жамланиб, «Ўзбекистон» нашриётида босмадан чиққан «Қизил гул»нинг қора иши» мақолалар тўплами (Сўз боши муаллифи — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби Ғ. Абдумажидов, муҳаррир — М. Шарипов) фикримизнинг далили бўла олади. Мазкур тўпламда вақтли матбуотда эълон қилинган ва ўқувчилар томонидан илиқ кутиб олинган гиёҳвандлик мавзусига бағишланган мақолалар ўрин олган.

Тўпламга кирган мақолаларда ёшларнинг ҳаётдан муносиб ўрин олишга, ақлни йўқотмай, турли ёмон одатларга ружу қўймасликка чорлаш устивор. Айни вақтда уларда қаламга олинган воқеаларнинг ҳар бирида ўзига хос тақдирлар мужассамланганки, улар китобхон диққатини ўзига ром этиши табиий. Бундай кишилар қисмати шубҳасиз сизга қайсидир жиҳатлари билан танишдек туюлаверади, қўйинг-чи, бангиликка муккасидан кетганларнинг фожиали юриш-туриши кўз олдингизга келаверади. Алқисса, айрим йигит-қизларнинг бу ҳолга тушиб қолишларига фақат ўзлари сабабчи эканлигига, уларни бу иллатга ҳеч ким ошно этмаганлигига амин бўласиз.

«Қизил гул»нинг қора иши» тўпламининг муаллиф-тузувчиси ўз олдига газетхонларга таниш бўлган мақолаларни шунчаки тартибга солиб, уларни китобхонлар ҳукмига ҳавола қилишни мақсад қилиб қўймайди, балки мавзуга ўз муносабатини билдиради, ибратли фикрлар, далиллар билан бойитади. Шу жиҳатдан муаллиф-тузувчи қаламига мансуб «Ихтиёрий телбалик», «Тарки одат», «Бепарво бўлмайлик» каби бўлимлар сўзбошиси ва шу бўлимлар остида берилган «Гиёҳвандлик — иллат» рубрикаси лавҳа-мақолалари ибратлидир.

Китобнинг «Гиёҳвандлик — қонунга хилоф» деб номланган бўлими ўқувчиларда катта қизиқиш уйғотиши турган гап. Мазкур бўлимда Ўзбекистон ССР Жиноят, Гражданлик, Гражданлик-процессуал, Уй-жой кодексларининг, Никоҳ ва оила кодексининг гиёҳвандликка оид моддалари ва бошқа қонуний ҳужжатлар илова тарзида китобхонлар ҳукмига ҳавола этилган. Улар билан танишган ҳар қандай одам бу иллатни қонун ман этиши ва уларга риоя қилмаганлар ўз вақтида тегишли жазо олиши кўзда тутилганига яна бир бор амин бўлади. Шуниси эътиборлики, бу ўринда келтирилган айрим қонун актлари илк бор ўзбек тилида чоп этилмоқда...

Тўплам 25 минг нусхада ёруғлик юзини кўрди. Аммо ёшлар тарбияси учун ниҳоятда зарур бўлган бу китоб назаримизда жуда оз нусхада чоп этилган.

И. УСМОНОВ,
У. СИДДИҚОВ.

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

ТЕМИРДАН ИШЛАНГАН КИТОБ

● ГАБРОВО шаҳридаги Сатира ва юмор уйида темирдан ишланган антиқа китоб сақланади. Унинг ҳажми — 18x22 сантиметр бўлиб, оғирлиги — 4 килограммдир. Китобни Врацида истиқомат қилувчи Ангел Костов ишлаган. 22 саҳифадан иборат металл нашрда Габровонинг энг машҳур ҳазил ва мақоллари ўрин олган.

ТОШДАГИ СЕВГИ ИЗҲОРИ

● ЭРОНЛИК археологлар қидирув вақтида энг қадимги севги мактубини топишди. Маълум бўлишича, эрамиздан 2200 йил муқаддам бир йигит ўз маъшуқасига севги изҳор этиб, хат ёзган. Лекин бу дил розини қиз ўқиган ёки ўқимагани номаълум, ахир у 16 килограмм келадиган тошга ўйиб ёзилганди-да!

ОРЗУГА АЙБ ЙЎҚ

● ВЕНГРИЯнинг Дунакеш шаҳрида яшовчи Дьюла Форинтош исмли киши шахсий сувости кемасини тайёрлади. Унинг узунлиги — 7,5 метр бўлиб, оғирлиги 7 тоннага яқиндир. Дьюланинг қайиғи 65 метр сувостига тушган ҳолда, соатига 40 километр тезликда сузиши мумкин. Форинтош кўпдан бери ўйлаб юрган орзусини амалга оширмоқчи. Европа қирғоқларидан Нью-Йорккача қайиқда бормоқчи.

ЭНГ БАЛАНД БЎЙЛИ ОИЛА

●ҲИНДИСТОНЛИК эр-хотин Кулкарлар жаҳонда энг баланд бўйли оила бўлса ажаб эмас. Оила бошлиғининг бўйи 238 сантиметр бўлса, турмуш ўртоғининг бўйи — 208 сантиметрдир.

ВЕЛОСИПЕД «ИШҚИБОЗЛАРИ»

● КЕЙИНГИ вақтда ГФРда велосипедга бўлган қизиқиш шу даражада кучайиб кетдики, уни ўғирлаш ҳоллари кундан-кунга ортиб бормоқда. Статистик маълумотларга кўра, мамлакатда ҳар тўрт минутда битта велосипед ўғрилашар экан.

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

Қирғиз ўтовида қардошлар гурунги

Очиғи бизга ғалатироқ туюлганди. Чин-да, Буёқда жами таниш-билиш, қавму-йўлдош байрам кайфиятида. Сен эса ҳали ҳеч қачон бориб кўрмаган жойларга йўл олсанг. Начора. Мухбирликнинг пешонага битилган ёзиғи экан. Жўнадик. Командировка бўлса, командировкада. Кўрайлик. Кўшни қирғиз биродарлар меҳмонга чақиришибди.

Ленинободдан чиқишимиз биланоқ, лайлакқор урар эди гуппиллатиб. Йўл бўйлаб ҳаддан ҳурпайма адирлар Қирғизистоннинг Лайлак ноҳиясига етгунимизча оқликка кўмилиб бўлганди. Бизни одатдагидек комсомол қўмитасидагилар қаршилашди.

— Йиғирма чоғли журналист келди кеча. Ҳамма қардош ўлкалардан. «Ленинчил жаш», «Жавонони Тожикистон» тожик, туркман, қирғиз ёшлари рўзномаларининг вакиллари. Бугун улар «Дўстлик»ка кетишди.

Йил бошида илк бора сумалакни Лайлак ноҳия иқомасида қўмитасида татиб кўрдик. Наврўз таомили кўтарувчи бор таомни дастурхонга тўккан қирғизнинг меҳри ҳам тўкин эди. Мезбонлар бири кўйиб, бири гапга соларди. Об-ҳаво, нарх-наво дегандек.

— Тошкентда байрам қандай ўтмоқда?

— Ўзбек биродарларни эл тўйи билан қутласак...

Давралдагиларга минг узр айтиб, касбдошлар ҳузурига, «Дўстлик»ка жўнадик.

Шамоллар ўйнаган кенг адирликнинг қоқ ўртасида ўтов кўринди. Тўйдагидек. Одамлар қур ясаган.

— Ана шу ерда тўпланишган...

Ўтов атрофида гулханлар ёнарди. Қадалган икки ровга белангач осилган. Бу ерлар да ҳозиргина элнинг эски удуми — кураш бўлиб ўтганди. Қирнинг нарисида эса кўпкари, қизиқувди.

Гапнинг рости, ўтов тўрида ўрнимиз бўш турган экан. Эгилиб киришимиз билан ўтирганлар гур этиб туришди ўринларидан. Юқорироқдан «Ленинчил жаш» рўзномаси муҳаррири, шоир Акбар Рисқулов пешвоз чиқди. Ҳамма билан бағирлашиб кўришдик. Нурланган чеҳралар самимийлигидан ўзимизни худди кунора кўришгувчи кўп йиллик жўрабилиш янгилар ҳис қилдик. Дастурхон ўртасида сумалак учун ундирилган буғдой. Муллик, зиллоллик рамзи.

Мўъжазгина қирғиз ўтовида жамулжам қардошлар қалбида кенгликлардан кенг, юксак-юксак тоғлардан-да баланд ҳар элнинг ўз кутловчи янгради. Шеъру-қўшиқ ўланларга уланди. Ўтовга бутун Ўрта Осиё сиғди. Мезбонлар айтмоқчи — «бовурдошлар шодлиги жамланди бунда».

— Бугун мусулмон халқи оммасидан қувонч қатлаган кун. Омон-омон бўлдиёв, азалий удумларимиз қайтаяпти. Ёшим 32 да бўлса-да, Наврўзни бугунгидек қаршилаганимни эслай олмайман. Аввалари ҳам хўш-хушвақтлик билан ўтказилаган. Ҳаётимдаги биринчи ғалги янги йил эса қолаши бўлди. Қаранг, ҳамма қардошлар биргамиз, — дейди «Ленинчил жаш»нинг бўлим мудири, публицист Қапар Тўхташев.

Кутлов ғали бизга келди. Худди ўз уйимиздагидек эмин-эркин сўзладик. Меҳринисор давралдошлар кўзи ёни қозоқ биродарлар кабы ўланни қойиллатмасак ҳам мамнун, жимгина тинглашарди гапимизни. Биримиз шеър ўқидик, энг муҳими, дилдошлик ҳоким даврага руҳланиб кўришган эдик.

Амирқул КАРИМ,
Кўчқор НОРҚОБИЛ,
«Ёш ленинчи» махсус мухбирлари.

ИЖОДИЙ САФАР

Рўзномамиз ҳузурида фаолият кўрсатаётган жумҳурият ёш ижодкорларининг «Шуъла» адабий уюшмаси аъзоларидан бир гуруҳи Наврўз байрамида Фарғона вилоятининг Фарғона ноҳиясида ижодий сафарда бўлишди. Улар Водил шаҳрида ўтказилган катта халқ сайилида қатнашиб, ўз ижод намуналари билан водилликларни хушнуд этишди. Айниқса, Лобар Тошқўзиева, Тўлқин Рўзи Кулоб, Муҳаммад Нур, Муҳаррам Пирматова, Абдусалим Азимов, Нодиржон Алимовларнинг Наврўз, бахор, ер, диёр мадҳини тараннум этган шеърий машқлари сайил қатнашчилари олқишига сазовор бўлди.

Ижодий гуруҳ аъзолари, сафар давомида яна бир неча билим юртларига ташриф буюришиб, талабалар билан ижодий суҳбатлар ўтказишди.



Наврўз айёмлари ана шундай қизиқарли ўтмоқда.

Е. БОТИРОВ сурат лавҳаси.

ЎЗБЕКИСТОНДА «ЁЗГИ» ВАҚТ БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Сўнгги бир неча йилда бутун Совет Иттифоқи ҳудудида, жумладан, Ўзбекистонда апрель ойидан сентябргача «ёзги» вақт жорий қилинадиган бўлганди.

Бу иш билан куннинг ёруғ вақтидан иложи борича унумлироқ фойдаланиш ва электр энергиясини тежаб қолиш кўзда тутиларди. Бироқ, Ўзбекистон иқлимининг ўзига хосликлари назарда тутилмади.

Жумҳуриятимизда куннинг давомийлиги 1 апрелда — 12 соату 30 минут, 30 июнда — 15 соат, 30 сентябрда — 11 соату 37 минутни ташкил қилади, яъни ҳар қандай ҳолда ҳам бу иш вақтидан узунроқ. Шундай шароитда соатларни суриб қўйиш эвазига электр қувватини тежаб қолиб бўлмайди.

Энди янгиликнинг инсон соғлиғига таъсирига тўхталсак. Инсон танида физиологик вазифаларнинг кунлик ўзгариши оддий бўлиб турар эди. Бу биологик ритм, деб аталади. Мазкур ритм турли хил жараёнларни акс эттириши бўйича ички ортиқ турга бўлинади. Бу уйқу ва уйғоқлик, тана ҳароратининг ўзгариши, юрак-қон томир системаси иши, қон таркиби сингари кунлик ритмлар ва бошқалардан иборат.

Бошқача қилиб айтганда кунлик ритм бу барча аъзолар ўзаро таъсирининг ягона системасидир. Инсон тани ва атроф муҳит бирлигини, ўзаро таъсирини акс эттирувчи физиологик жараёнларнинг ритмиклиги шунда намоён бўладики, уларнинг энг юқори ва энг қуйи нуқталари маълум бир вақтга тўғри келади. Бу вақтнинг салгина бўлса ҳам сунъий равишда ўзгартирилиши, ҳаётимиз учун жуда муҳим бўлган марказий нерв, юрак-қон томир, мушак, ҳазм қилиш системалари ўзаро таъсирининг бузилишига олиб келади. Астрономик вақтнинг сурилиши шунингдек, нафас олиш системаси, қон таркиби, гармонлар даражасига ҳам салбий таъсир кўрсатади.

«Ёзги» вақтга ўтишнинг оқибатлари касаллар, қариялар ва болаларда янада яққол намоён бўлади. Соат 22.00 да Ўзбекистонда ҳали кун ёруғ ботмайди. Шу туфайли болаларни ухлашга мажбур қилиб бўлмайди, айниқса кўп қаватли уйларда. Кеч ухлаган болалар эрта туриш шолмайди. Боғча, мактабларнинг кун тартибига кўника олишмайди. Бу болаларда неврастениега олиб келса, катталарни кучсиз, лоҳас, ташқи муҳит таъсирига дош беролмайдиган қилиб қўяди.

«Ёзги» вақтга ўтиш инсон мослашиш механизмларини таранглашиши эвазига амалга оширилади, буни эса ҳеч қандай иқтисодий фойда билан ўлчаб бўлмайди.

Шу туфайли Ўзбекистон соғлиқни сақлаш нозирлиги ва Фанлар академиясининг талабига биноан жумҳурият ҳукумати СССР Давлат стандартига мурожаат қилиб Ўзбекистонда «Ёзги» вақтни бекор қилишга эришди. Энди 25 март куни, яъни, бугун соатлар бир соатга сурилмайди.

Т. ИСКАНДАРОВ,
Ўзбекистон ССР давлат бош санитария врачи.

Халқнинг дил рози

МАҚОМ ЎЗБЕК халқ мусиқий маданиятининг гултожидир. Унинг бетакрор оҳангларида инсонларнинг эзгу орзулари, ҳудудсиз армонлари, қувонч ва ташвишлари мангу ватан топган. Ҳар гал халқ мақомларини тинглаганда куй-қўшиқнинг ҳақиқий сеҳрини, завқини туяди, киши. Ана шунинг учун ҳам асрлар оша сайқал топган «Шашмақом» ўлмасдир.

Халқимизнинг мусиқий меросида Хоразм мақомлари ҳам ўзига хос жозибаси билан ажралиб туради. Хоразм мақомлари етти марта ривожланиш ва турғунлик босқичларини бошдан кечирди. Уларнинг дастлабки тараққиёт даври 995-1017 йиллар (Маъмун-шоҳ ҳукмронлиги даври)-га тўғри келади.

Айтишларича, у йилнинг ўн икки ойига монанд равишда «Дувоздаҳ мақом», яъни ўн икки мақом шаклида ривожланган. Шарқ мусиқа илмининг алломалари Ал-Форобий, ибн Сино, Ал Беруний, Ал Қандий, Чағминий, Журжоний каби билағонлар, шоир ва машшоқлар «Маъмун академияси»-га жалб этилиб, улар йилнинг ҳар бир ойига, ҳар бир куну тунига бағишлаб куй басталаганлар.

Афсуски, ўн икки мақом тўлалигича бизга етиб келмаган. Лекин ўн икки мақомдан дарак берувчи айрим номлар, куйлар ўз даврининг шоир ва олимлари асарларида, тазкира ва ёдномаларида учрайди.

Буни IX — XIII асрларда Хоразмга ташриф буюрган араб сайёҳлари Ёқут Ханавий, Мақдисий, Ибн Руста, Ибн Ал Хайсамий ва бошқалар ҳам қайд этганлар: Журжония эли, — деб ёзади Ёқут ўзининг «Мужам ул — булдон» номли асарида, — ўз мақомларини беҳад қадрлайди, мамлакат пойтахти Гурганч (Кўҳна Урганч)-да мусиқа асбоблари ясаб тирикчилик қиладиган маҳаллаларни ўз кўзим билан кўрдим.

Хоразм мақомлари тараққиётининг иккинчи даври 1200-1221 йилларни ўз ичига олади. Бу даврда мамлакатда Султон Муҳаммад шоҳ ҳукмронлик қилган ва ўша йиллари чолғу асбобларидан рубоб кенг тарқалганлиги машҳур Дарвеш Али Чангийнинг «Мусиқаи рисола» номли китобида қайд этилган. Мазкур фикрнинг тўғрилигини машҳур совет бастакори В. А. Успенский ўзининг 1923 йили Бухоро вилоятида ўтказган илмий экспедициялари чоғида тўла исботлаб берган эди. У ҳанузгача мусиқа оламига номаълум бўлган «Хоразм нотаси» деган чизиқли табулатура (мусиқа хати)ни қўлга киритган. Буни қарангки, ўша нота чизиғи XIII аср бошларида Хоразмшоҳлар мамлакатида яратилган экан.

Мўғуллар истилоси ва ўзаро феодал урушлар натижасида Хоразм таланди, олимлар, шоиру машшоқлар чет элларга ҳайдаб кетилди. Натижада XIII асрнинг биринчи чорагидан то XIX асргача Хоразмда адабиёт ва санъат деярли ривожланмади, мақомлар унутилаёзди. Лекин Хоразм мақомларининг овозаси етти иқлимга тарқалган эди, уларни ўз юртини тарк этган ҳофиз ва машшоқлар Бухоро ва Самарқанд, Шош ва Ширвон, Ироқ ва Дамашқ, Рум ва Олтин Ўрдада, Қрим ва Шарқий Туркистон ўлкаларида ижро этиб юрдилар. Фикримизни улуғ шоиримиз Алишер Навоий «Хамса»сига кирган машҳур «Сабъаи сайёр» достонида мусофир созанда тилидан Хоразм ўлкасининг мусиқа санъатида «илми адвор» фани беқиёс ривожланганлигини қуйидаги мисралар янада равшанроқ очиб беради:

Чун дуо қилди, деди фарзона,
Ки дей ўз кўрганларимдин афсона.
Менки тутмиш буён гузар манго,
Мулки Хоразм эрур диёр манго.
Санъатим онда соз чалмоқ иши
Билмайин мен кибы ишимни киши,
«Илми адвор» у фанни мусиқий,
Мендан ул илм аҳли таҳқиқий...

Шоир айтганидек, бу даврда Хоразм мақомлари фақатгина мафкуравий бўлмай, ўз ватанидан узоқ-узоқларда томир ёйди, сайқал топди. Ўз замонасининг шоир ва машшоқлари туфайли мақомлар Амир Темур, Боязид Йилдирим, Чингизхон, Жўжи, Ўзбекхон, Нодиршоҳ саройларига кириб борди, тўй ва базмларда, сайил ва дийралишмаларда қайта-қайта ижро этилди. Кўҳна маданиятимиз тарихидан бунга жуда кўплаб мисоллар келтириш мумкин.

Хива хони Муҳаммад Раҳимхон Соний (хонлик даври 1865-1910) ўз атрофига ўша даврнинг етук шоирлари Огаҳий, Комил, Баёний, Аваз, Рожий, Табибий ва 15 созанда хонандалардан иборат мақомчилар дастаси (ансамбли)ни тўплаган. Ўша гулдастанинг гули Комил Хоразмий — Муҳаммад Ниёз Паҳлавон Мирзабоши — мақомчилар устози эди. У Хоразм мақомлари оҳангини қоғозга туширган ва бу ихтиро «Хоразм танбур чизиғи» номи билан машҳур. У мусиқа олими ва биринчи ўзбек бастакори бўлган.

Феруз созанда ва хонандаларни танлаш ва тарбиялашда, уларнинг беназир ижрочи бўлиб етишишларида ўз мавқеи, тўғрироғи, сиёсий ва моддий имкониятларидан кенг фойдаланган. Бу ҳақда халқ орасида ҳар хил афсона ва ривоятлар мавжуддир. Аввало хон ўзининг саройдан тантанавор чиқишини намойиш этиш учун сурнайчилар дастасини тузишни Хусан Калот ва Собир Калотларга топширади. «Хон чиқиш» анъанаси чоғида Хоразм «Наво» мақомининг чолғу йўлидан «Сақили наво»ни кўплаб сурнайчилар жўрлигида ижро қилишни буюради. Йиллар ўтиши билан сурнайчилар сони 40 нафарга етганлиги маълум.

Афсуски, Хоразм, қолаверса, бутун мамлакат санъаткорларининг қувончлари узоққа чўзилмади. 1937—38 йилларда халқ ҳофизлари ва мақомчи-машшоқлар тазйиқ остига олинди, нодир қўлёзма китоблар оловга ташланди, шоир ва олимларнинг айримлари қамоққа олинди. Шахсга сиғиниш йиллари ва Улуғ Ватан уруши даврида мақомлар инқирозга юз тутди.

Минг йиллик маданият меросимизга ва мақомчиларга бўлган бундай ғайриинсоний муносабатлар 60-йилларнинг бошларигача давом этди. Бу йиллар ичида кўпгина мақомчилар ҳаётдан кўз юмиб кетдилар, айримлари қамалиб чиқди, баъзилари фронтдан касал, ногирон бўлиб қайтдилар. Булар орасида нафақат Хоразм, балки бутун Ўрта Осиё жумҳуриятларига таниқли шоир, бастакор ва санъаткорлар: Абдушариф Отажонов, Матниёз Юсупов, Раззоқ Омонов, Юнус Юсупов, Сафо Оллоберганов, Комил Девоний, Худойберган Девонов, Матюсуф Харратов ва бошқалар бор эдилар.

Бундан икки йил олдин Хоразм телевидениеси қошида янги мақомчилар дастаси тузилди. 20 кишилик бу даста Рўзимат Жуманиёзов раҳбарлигида «Рост» ва «Бузрук» мақомларининг оғзаки йўлларини ўргандилар. Лекин бундай масъулиятли иш худди қумнинг устига қурилган иморатни эслатади. Чунки нотасиз оғзаки ўрганилаётган мақомнинг умри айтувчи мақомчининг соғлиғи, кайфияти ва бошқа томонларга боғлиқ бўлади. 1960—1990 йиллар давомида тузилган ва «лов этиб ёниб ўчган» қанчадан-қанча мақом ва этнографик ансамблларнинг аччиқ тажрибалари бизни юқоридагидай хулоса чиқаришга мажбур қилмоқда. Мутасадди ташкилотларнинг раҳбарлари бадиий ҳаваскорлик тўгараклари, халқ ансамбллари ва маданият уйлари қошидаги профессионал ва бошловчи мақомчиларнинг ижтимоий эҳтиёжларини ўрганишлари зарур. Уларни ўз ишининг билимдони бўлган, илмли, тажрибали кишилар бошқариши лозим, уларга зарур шарт-шароитлар яратиб берилмоғи, илмий-методик адабиётлар етказилмоғи керак.

Билишимизча, Янгиариқ ноҳиясидаги Қармиш қишлоғида Комил Хоразмий авлодига мансуб қариялар истиқомат қилишади. Уларнинг қўлида 1883—1885 йиллари Комил Хоразмий томонидан тузилган «Хоразм танбур чизиғи» китобининг асл нусхаси сақланмоқда. Ўша асл нусханинг фотонусхалари Тошкент Давлат консерваториясида, Ҳамза номидаги санъатшунослик илмий-текшириш институтида 20 йилдан бери сақланаётир. Жумҳурият мақомшунослик беланчагини тебратаётган ҳурматли олимларимиз бу хайрли ишни юзага чиқаришда хоразмлик ёш тадқиқотчиларга ўз амалий ва илмий-методик ёрдамларини аямайдилар, деб ўйлаймиз.

ЖАҲОН МУСИҚА маданиятининг кўҳна ўчоқларидан бири бўлган Хоразм воҳаси мақомларини жамлаш, ўрганиш, тарғиб қилиш ва ёшларга сингдириш марказлашган асонода давлат муҳофазасига олинса, токи мақомлар минг йиллик давомида авлодларимиз учун яхлит, бебаҳо маданий бойликка айланиб қолган бўларди.

Ботир МАТЁҚУБОВ,
М. Харратов номидаги Урганч мусиқа билим юрти ўқитувчиси.

Комил НУРЖОНОВ,
Совет маданият фонди Хоразм вилоят бўлими раисининг муовини.

ТВ

26 МАРТ — ДУШАНБА

● **УзТВ I**

17.30 «Парда». Телефильм. 18.00 Кўрсатувлар программаси. 18.05 «Мушук Леопольднинг автомобили», «Қароқчининг ёзишмалари». Мультфильмлар. 18.30 КПСС Марказий Комитетининг партия XXVIII съездига Ҳаракат дастури лойиҳасини муҳокама қиламиз. 19.00 «Чорвадор» программаси. «Мустаҳкам озуқа базаси учун». 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.50 «Ёшлар овози». Адабий кўрсатув. 20.30 Москва. «Вақт». 21.00 Ўзбекистон Давлат телерадиоси эстрада симфоник оркестрининг концерти. 21.30 «Болалар тушларини гапириб бердилар». Телефильм («Ўзбектелефильм»). 22.00 «Ахборот». 22.20 «Авлиё Лука»нинг қайтиши». Бадиий фильм («Мосфильм»). 23.50 Янгиликлар. 23.55 Кўрсатувлар программаси.

● **УзТВ II**

18.05 Спорт шарҳи (рус тилида). 19.05 «Оляга аталган гуллар». Бадиий фильм (Одесса киностудияси).

ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ:

20.30 Москва. «Вақт». 21.00 Телефильм. 21.20 Мусиқий ҳаёт панорамаси. 22.10 «Пантера»нинг ҳамласи». Бадиий фильм.

ТЕЛЕТОМОШАБИНЛАР ДИҚҚАТИГА!

Профилактика муносабати билан душанба, 26 март куни МТ I кўрсатувлари соат 6.00-дан 10.30 гача УзТВ 1 канали орқали намойиш этилади.

● **МТ I**

6.00 «120 минут». 8.05 «Пионерлар». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси (Горький шаҳри). 8.35 Футбол шарҳи. 9.05 «Ҳайвонот оламида». 10.05 Москва ҳарбий мавзеси ашула ва рақс ансамблининг концерти.

* * *

15.30 «Болани айби билан». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. Давлат автомобиль инспекциясининг йўл-транспорт ҳодисаларини олдини олиш бўйича қониқарсиз иши ҳақида («Союзтелефильм»). 16.00 «Бор бўл, мусиқа!». Опа-сингил Скриделар куйлайди. 16.30 «Бангладеш: янги истиқболлар». 16.55 Болалар соати (француз тили дарси билан). 17.55 Коллаж (реклама, эълонлар, ахборот). 18.00 «Вақт». Янгиликлар телевизион хизмати. 18.30 Болалар учун фильм. «Моргун Чика» (Чехословакия). 19.40 СССР халқ артисти М. Лиепа хотирасига бағишланган ҳужжатли фильм премьераси («ЦСДФ»). 20.30 «Вақт». Янгиликлар телевизион хизмати. 21.00 «Сўз». Адабий-бадиий видеоканал. 23.00 Футбол шарҳи. 23.20 «ТСН». Янгиликлар телевизион хизмати.

● **МТ II**

9.00 Эрталабки гимнастика. 9.15 Итальян тили. 9.45 Ф. Шопен асарларини В. Горностаева ижро этади. 10.25 «Икки капитан». Олти серияли телевизион бадиий фильм («Мосфильм»). 1-серия. 11.35 Бир актёр театри. П. Ершов. «Букри тойчоқ». Фильм-концерт. СССР халқ артисти О. Табаков ўқийди («Экран»). 13.05 Такрорий телефильмлар сеанси. «Варьканинг ери» (А. Довженко номли киностудия). 1-серия.

16.30 «Дима йўлга чиқди». Мультфильм. 16.50 Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. 17.15 «Дўстлик меридианлари». Польша қўшиқлари II Бутуниттифоқ фестивали. Витебскда ўтказилган Белорус зонал конкурси қатнашчиларининг концерти. 18.00 «Вақт». Янгиликлар телевизион хизмати (сурдо таржимаси билан). 18.30 «Мустейко қишлоғи эртаклари». Ҳужжатли фильм. 18.40 РСФСР шаҳарлари телестудиялари. «Сигма» (Новосибирск). 19.25 Коллаж (реклама, эълонлар, ахборот). 19.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Мяу» деган ким». 19.45 Телевизион мусиқий абонемент. «Декабрь оқшомлари». 21.00 «Шляпа кийган аёл». Бадиий фильм (Польша).

«Ёш ленинчи»
«Молодой ленинец» орган ЦК ЛКСМ Узбекистана
Издается на узбекском языке.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ ЛЕНИНГРАД КУЧАСИ, 32-УЙ.

ТЕЛЕФОНЛАР:
ҚАБУЛХОНА — 32-56-58
ХАТЛАР БУЛИМИ — 32-54-65.
513500 НУСХАДА ЧОП ЭТИЛАДИ.
ИНДЕКС: 64607.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси.
1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12
Р — 01190. Д — 23204.

Муҳаррир Жаббор РАЗЗОҚОВ.